

# ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 4 май • ЧОРШАНБА

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

№ 31 (10.608).

Сотувда  
эркин нархда



• Суратда: мукофотлаш пайти.

Р. Нуритдинов тасвири (ЎЗА).

## МУСТАКИЛ ВАТАННИНГ ИЛК НИШОНДОРЛАРИ

2 май куни республика Вазирлар Маҳкамасида мустақил Ватанимизнинг биринчи олий нишони — “Соғлом авлод учун” орденини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди. Унда республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, ижодий ва бадий жамоалар вакиллари ҳозир бўлди. Маросимни республика Президенти Ислоҳ Каримов табрик нутқи билан очди ва мукофотланганларга “Соғлом авлод учун” орденини тантанали суратда топширди.

Юксак нишон соҳиблари — Ф. Сулаймонова, С. Эшонтураева, А. Хлебущкина, Д. Таганиязова, С. Хонназаров, Л. Цой, М. Ашрапова, О. Алимаҳсумов, Ш. Ёрматов мукофотланганлар номидан сўзга чиқиб, еш авлодни тарбиялаш ва камол топтириш борасидаги камтарин хизматларини юксак кадрлагани учун республика ҳукумати ва Президентига миннатдорлик билдирди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ватанимизда инсон саломатлиги, фуқаролар осойишталиги, келажак авлод камоли доимий диққат-эътиборда бўлиб келаётгани, бу эса халқнинг буюк давлат барпо этиш борасидаги саъй-ҳаракатларига алоҳида суръат бағишлаётгани таъкидланди.

“Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланганлар орасида халқаро ташкилот вакили ҳам бор эди. Чунончи,

БМТ болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вакили Экрем Бирединк жаноблари Ватанимизнинг олий нишонига сазовор бўлди. У орденини қабул қилиб олар экан, юксак эътибор учун ўзбек халқига, Ўзбекистон ҳукумати ва Президентига миннатдорлик изҳор этди, Ўзбекистонда соғлом авлодни вояга етказиш борасида катта ишлар қилинаётганини эър мамнуният билан таъкидлади.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси, “Саодат” журналининг бош муҳаррири Х. Худойбердиева, “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамғармасининг раиси Ш. Хўжаев “Соғлом авлод учун” ордени нишондорларини жамоатчилик номидан муборакбод этди.

“Соғлом авлод учун” орденини топширишга бағишланган тантанали маросимда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, республика Бош вазир А. Муталов, республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алиев, Х. Жўраев, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков иштирок этди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOH KARIMOVNING “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Қадрли дўстлар!

Айни дақиқаларда барчамиз ҳаяжонли ва тантанали бир воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун бу ерга мустақил давлатимиз тарихидаги илк юксак нишон — “Соғлом авлод учун” орденини топшириш маросимига йирилдик.

Маълумки, ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият ҳам ўз бойликлари билан

қудратли ҳисобланади. Ҳар бир халқ мамлакатнинг табиий замини, ер ости ва ер усти захиралари, тоғлари ва ўрмонлари, дарёю денгизлари, улкан шаҳарлари, гўзал иншоотлари билан ўз куч-қудратини намоян этишга ҳаракат қилади.

Лекин, кўп асрлик тарихий тажриба

шундан далолат берадики, жамиятнинг ҳақиқий бойлиги, бу — инсон, инсон

(Давоми 2-бетда).

## PREZIDENT HUZURIDA KABUL

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 3 май куни Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Ужэру Магосакини қабул қилди.

Ислоҳ Каримов Япониянинг жаҳон ҳамжамиятида тугган юксак мавқеада сўзлар экан, мазкур давлатнинг мамлакатимиз билан савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа кўпгина соҳалардаги ўзаро алоқалари тобора раванг топаётганини қайд этди. — Биз учун олис ва афсонавий днёр ҳисобланган Япония аллақачон келажакка — XXI асрга тамал тоши қўя бошлаган илгор давлат ҳамдир, — деди Ўзбекистон раҳбари элчи билан суҳбат чоғида. — Сизнинг асосанвий ва самарадор технологияга асосланган жаҳонга машҳур компанияларингиз билан сиёсий барқарор, иқлими қўлай, бойликлари мўл-кўл Ўзбекистон ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳар икки томон учун бирдек манфаатли экани шубҳасиз.

Ужэру Магосаки самимий қабул учун Президентга миннатдорлик изҳор этди. Япониянинг янги тузилган ҳукумати Ўзбекистон билан муносабатларни келгусида ҳам барқарор ва самарали давом эттириш тарафдори эканини таъкидлади.

Қабул маросимида республика Ташқи ишлар вазири Сандмухтор Сандқосимов ҳозир бўлди.

## ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY KENGASHI ЎН БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн бешинчи сессияси 1994 йил 5 майда соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI HALQ DEPUTATLARI DIQQATIGA

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари эртага, 4 май куни эрта билан соат 9 дан то кеч 18 га қадар 5 май куни, эрта билан соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI HALQ DEPUTATLARI GURUHLARI ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНING ҚАТНАШЧИЛАРИ DIQQATIGA

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳридан бўлмиш халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши бутун, 4 май куни соат 17 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

ҚОЗОҒИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI, ҚИРҒИЗИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ВА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI УЧРАШУВИ ЯҚУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 1994 йил 29-30 апрель кунлари қисқа муддатли ташриф билан Қирғизистон Республикасида бўлдилар.

Томонлар тўла ҳамжиҳатлик ва ишонч вазиятида ўтган музокаралар чоғида дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва барча соҳалардаги давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари ўз мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий вазият тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар, ўзаро манфаатли кўпгина масалаларни муҳокама қилдилар. Томонлар Марказий Осиёда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида вужудга келган вазият тўғрисида, шунингдек, бир қанча халқаро муаммолар хусусида фикрлашиб олдилар.

Давлат бошлиқлари минтақада ва умуман МДҲда иқтисодий алоқалар чуқурлашиб бориши ижобий тамойилни қайд этдилар. Ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисида Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида тузилган шартномани турмушга татбиқ қилиш механизмини ишлаб чиқиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Ягона иқтисодий макон Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётларини бирлаштиришнинг шундай янги бир босқичики, иқтисодий ҳамкорлик йўлидаги божхона тўсиқлари, иккиёқлама солиқ солиш каби ғовларни олиб ташлаш, валюталар алмаштириладиган пунктларни очиб сингари жараёнлар давом эттирилади.

Томонлар қайд этганларидек, мазкур шартнома ҳамдўстлик мамлакатларининг иқтисодий иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг қондаларига тўла-тўқис мос келади ва у МДҲдаги барча давлатларнинг аъзо бўлиб кириши учун очкидир.

МДҲ доирасида ҳам, шунингдек, Марказий Осиё доирасида ҳам иқтисодий, маданий ва ахборот маконини бирлаштирувчи ташкилотлар аҳамиятини ошириш зарурлиги олий даражадаги раҳбарларнинг мулоқотини фаоллаштиришни тақозо этади. Иқтисодий ва сиёсий соҳаларда бир-бирига ўхшаш муаммоларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда шаклланган анъанавий алоқалар яна ҳам қалинроқ ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ўтиш давридаги мушуқликларни анча камайитириш, бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда уни шакллантириш жараёни юзага келтирган қийинчиликларни енгиллаштириш учун реал шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Кейинги вақтларда товар айирбошлашни, тўловларни, ишчи кучи ҳаракатини яхшилаш йўлида қўйилган қадамлар, шубҳасиз, минтақадаги иқтисодий аҳволни соғломлаштиришга ижобий таъсир ўтказди. Шу билан бирга иқтисодий ҳамкорлик сари бундан буенги ҳарамат ўзаро ҳамкорликнинг яна ҳам фаол ва амалий механизмини талаб этади.

Бир қанча сиёсий муаммолар ҳам умумминтақавий хусусиятга эга. Марказий Осиёдаги турли этник гуруҳларнинг биргаликда тинч ва самарали яшашлари потенциали минтақадаги этник вазиятни барқарорлаштириш омили бўлиб қолиши керак.

Учрашув қатнашчилари мамлакатимиз халқларининг манфаатлари йўлида давлатлараро ҳамкорликнинг янги шакллари ва тузилмаларини излашни давом эттиришга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

Бу — жараён объектив тусда бўлиб, принципал аҳамиятга эга ва олдиндан маслаҳатлашувлар ўтказилишини тақозо этади. Барча манфаатдор томонларнинг биргаликдаги жадал фаолияти совет тузумидан кейинги маконда яна ҳам яқинроқ бирлашишнинг ўзаро мақбул шакллари юзага келтирди.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари ҳамдўстликка аъзо давлатлар бошлиқларининг Қирғизистон республикасига шошилинч ердан кўрсатиш тўғрисидаги қарори доирасида Қирғизистоннинг халқ ҳўжалигига табиий офат етказган зиённи тугатишга оид аниқ чора-тадбирларни муҳокама қилдилар.

Ташқи Ишлар вазирликлари томонларни ўзаро қизиқтирувчи масалалар бўйича мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиб туриш ҳақида ва давлатлар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий негизни янада ривожлантириш тўғрисида топшириқлар берилди.

Давлат Бошлиқлари учрашув яқунларидан мамнуният изҳор қилиб, шунини таъкидладиларки, бўлиб ўтган амалий ва самарали музокаралар қардош мамлакатларнинг халқлари ўртасидаги тарихий дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қозоғистон  
Республикаси  
Президенти  
Н. НАЗАРБОВ,

Қирғизистон  
Республикаси  
Президенти  
А. АКАЕВ,

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти  
И. КАРИМОВ.

(Давоми 2-бетда).

Ана шундай ноёб фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказаетган халқ келажакка очиқ кўз, катта ишонч билан қараш мумкин.

Табиат ато этган олий моҳиятга кўра, биз — ўзбеклар ҳаётимизнинг, умримизнинг мазмунини фарзандсиз тасаввур этолмайдиган халқимиз. Дунёга келиб муносиб фарзанд кўриш, иморат қуриш, ниҳол экиб боғ яратиш — ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган эзгу тилак ва қутлуг инсоний бурчдир.

Шуни алоҳида шукроналик билан таъкидлаш лозимки, халқимиз тарихнинг машаққатли синовлари оша ўзининг ана шу олижаноб хусусиятларига завол қилиб келганлар. Ота-боболаримиз асрлар давомида тилимизни, дилимиз ва динимизни, ўзбекнинг ўзлигини ҳар томонлама асраб-авайлаб, баркамол авлодларни вояга етказдилар. Бундай фазилатлар асл этиборига кўра бизнинг заҳматкаш халқимизга муносибдир ва бу билан ҳар қанча гурурлансак арзийди.

Олдимида мустақил буюк давлат қуришдек мураккаб ва шарафли вазифа турган бир пайтда бу маънавий қадриятларнинг аҳамияти минг қарра ортади. Нега деганда, ҳар қандай улуг мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган камол одамларга, келажак баркамол авлодга боғлиқдир. Шу боисдан ҳам ҳозирги кунда, халқимиз фарзандларимиз иқболини ўйлаб, қаттиқ бел боғлаб меҳнат қилаётган масъулиятли бир даврда мазкур тушунчалар янада теран маъно касб этади.

Азиз биродарлар!

Одамзод дунёда жуда кўп касбу ҳунарнинг эгаси

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

бўлиши мумкин. Қурувчи, деҳқон, боғбон, шоир, олим бўлиб ном қозониш, мол-мулк, бойлик орттириш мумкин. Лекин Оллоҳ таоло инсонга ато этган энг катта бойлик, энг улуг бурч борки, уни дунёдаги ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бу — фарзанд кўриб, ота бўлиш, она бўлиш бахтидир. Бу фақатгина бахту саодат эмас, балки яратганининг олдида, элу юрт олдида жуда катта масъулият ҳам демакдир.

Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир.

Шу маънода давлатимизнинг биринчи юксак нишони бўлмиш “Соғлом авлод учун” ордени ҳам инсон тақдирини, жамият тақдирини, келажак тақдирини, олдимизда турган улуг мақсадларни кўзлаб тасвир этилди.

Биобарин, унга сазовор кишиларни бу вазифаларни сийқидилдан адо этадиган, еш авлод камолоти учун ўзини бағишлайдиган фидойи инсонлар деб биламиз. Уларни улкан давлат вазифасини бажаратган одамлар сифатида ҳар томонлама ҳурмат-иззат қиламиз.

Улуг халқимизга муносиб ҳалол, меҳнаткаш, билимдон, она юртимизга, элимизга садоқатли, баркамол еш наслларни тарбиялаш ишониб топширилган жамиятимиз аъзолари аввало ана шу фазилатлар соҳиби бўлмоқлари даркор.

Мен мана шу залда ўтирган биринчи галда бу юксак муқофотга лойиқ кўрилган барча ҳурматли юртдошларимизни ана шундай инсонлар деб ҳисоблайман. Айни пайтда мамлакатимиз тарихида илк марта шу орденига сазовор бўлган ака-ука, опа-сингилларимизни муборакбод этишни ўзимга улкан шараф деб биламан.

Муҳтарам дўстлар! Бизга Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустақамлаш каби масъулиятли даврда яшаш насиб этди. Истиқлолдек буюк незматнинг қадрига етадиган, уни мустақамлайдиган, ўз қадр-қимматини биладиган соғлом авлодни тарбиялаш ҳаммамизнинг зиммасига тушди. Ишонаманки, бу олий ва масъулиятли вазифани астойдил адо этамиз.

Мустақилликни мустақамлаш йўлидаги қийинчилик ва тўсиқларни енгишда, озод ва обод Ўзбекистон давлатини барпо этишда бутун эл-юрт аҳлига куч-ғайрат тилайман.

Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш дегандир. Биз тарихан қисқа фурсат ичда бошқа соҳаларда бўлгани каби бу борадаги мақсад ва бурчимизни ҳам яхши англаб етдик. Бизга шу вақтга қадар ҳасад билан қараганлар ҳам энди ҳавас билан қарамоқда, танлаган йўлимиз тўғри эканини тан олмақда.

Давлатимизнинг олий нишони — “Соғлом авлод учун” орденини топширар эканман, сизларни яна бир бор муборакбод этаман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, омонлик тилайман.

## ФИКРЛАШИБ ОЛДИЛАР

Вилоят ҳокимлигида Республика Олий Кенгаши сессияси олдида Тошкент вилоятдан сайланган Ўзбекистон халқ депутатлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувни вилоят ҳокими М. Икромов очди. Ингилганлар олдида Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов нутқ сўзлади.

У республика парламенти сессиясининг кун тартибига киритилган айрим Қонун лойиҳалари ҳақида батафсил гапириб берди.

Ўзбекистон халқ депутатлари — Н. Матибрагимов (84-Телов сайлов округи), З. Рўзметова (93-Янгиҳаёт сайлов округи), Э. Шайхов (102-Салор сайлов округи) ўртоқлар Республика Олий Кенгаши сессиясининг самарали ишлаши юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, истакларини баён қилдилар.

Муҳокамага вилоят ҳокими М. Икромов яқун ясади.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А. М. Мардиев иштирок этди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Таълим, фан тизимини ривожлантиришда, республика учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашда Тошкент Давлат университети катта ҳисса қўшганини ҳисобга олиб ҳамда жамиятнинг маънавий ҳаётида, ёшлар тарбиясида, мустақил Ўзбекистоннинг ақл-заковат имкониятлари шаклланишида университетнинг тугган ўрнига катта аҳамият бериб, шунингдек, 1995 йил сентябрь ойида университет ташкил топганига 75 йил тўлиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1995 йил сентябрь ойида республика ва ҳорижий мамлакатларнинг илмий жамоатчилиги, таълим ходимлари, маданият арбоблари жалб этилган ҳолда Тошкент давлат университети ташкил топганининг 75 йиллигига бағишланган юбилей тадбирлари ўтказилсин.

2. Тошкент Давлат университети 75 йиллик юбилейини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ташкилот қўмитасининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилот қўмитаси бир ой муддатда Тошкент Давлат университети 75 йиллигига бағишланган юбилей тадбирлари дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда куйидагилар назарда тутилсин:

Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоят марказларида университетлар негизда Тошкент Давлат университети етакчи олимлари ва ижодкор зиёлилар иштирокида тантанали йиғилишлар ва илмий конференциялар ўтказиш;

Фанлар Академияси билан биргаликда университет таълими ва фанининг мустақил Ўзбекистон давлати ҳаётидаги аҳамиятига бағишланган халқаро илмий конференция ўтказиш;

Талабаларда масъулият ҳиссини, она Ватандан гурурлигини ва унга муҳаббат туйғуларини шакллантириш мақсадида уларнинг таниқли олимлар, устоз-муаллимлар, маданият ва санъат арбоблари билан учрашувларини ўтказишга оид тадбирлар мажмуи;

Тошкент Давлат университети 75 йиллик юбилейга бағишланган махсус расмий китоб чиқариш.

4. Тошкент Давлат университети ташкил топганининг 75 йиллигига бағишланган эсдалик нишони тасвир этилсин. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда эсдалик нишонининг эскизи ва моделини тайёрласин.

“Маҳаллий санаот” давлат корпорацияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртмасига буйича эсдалик нишонини тайёрласин.

5. Ташкилот қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртмасига буйича мувофиқ:

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси юбилей тадбирлари қатнашчиларига транспорт хизмати кўрсатилишини таъминласинлар;

“Ўзавтотранс” давлат корпорацияси юбилей тадбирлари қатнашчилари бўлган делегацияларга хизмат кўрсатиш учун автомобиль транспорти ажратилишини назарда тутилсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

Юбилей тадбирлари қатнашчилари жойлаштирилишини;

### Вазирлар маҳкамасининг қарорига ИЛОВА

#### ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 75 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛОТ ҚЎМИТАСИ

О.У.Салимов — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, ташкилот қўмитаси раиси

Т.Ж.Жўраев — Тошкент Давлат университети ректори, ташкилот қўмитаси раисининг ўринбосари

#### ТАШКИЛОТ ҚЎМИТАСИ АЪЗОЛАРИ

Ш.Ю.Абдуллаев — Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари

А.Орипов — Ўзбекистон халқ шоири

Ш.Болабеков — “Ешлик” талабалар шаҳарчаси ҳокими

Х.Р.Жўраев — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси

П.Х.Носиров — “Ўзбекистон” Давлат қўмитаси раисининг ўринбосари

Тошкент Давлат университетининг сметаси ва маблағлари ҳисобига университет ўқув биноларининг олд томонини тузатиш, университетга туташиб кетган ҳудудни ободонлаштириш бўйича ишлар бажарилишини таъминласин.

7. “Ўзбекмебель” давлат-акционерлик бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртмасига буйича Тошкент Давлат университети учун 1994-1995 йилларда ўқув-лаборатория мебли етказиб берилишини таъминласин.

8. “Ўзбекистон” давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига 1995 йилдан бошлаб Тошкент Давлат университети биология факультети биносининг иккинчи навбати қурилишига сармоа қўйилмалари ажратилишини ва унинг маблағ билан таъминланганини назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

1995 йилги бюджет истиқболни белгилашда Тошкент давлат университети юбилей тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига зарур маблағлар ажратилишини назарда тутилсин;

1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига Тошкент Давлат университети учун ўқув бинолари ва ётоқхоналарни мукамал тузатиш ва жиҳозлашга аниқ мақсадларга мўлжалланган 1 миллиард сўм-купон ажратсин.

Республика валюта фонди харажатлари прогнозларида 1995-1996 йилларда Тошкент Давлат университетига компьютер техникаси сотиб олиш учун 300 минг АҚШ доллар ажратилишини назарда тутилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1995 йилда Тошкент Давлат университетида ўқув-илмий ускуналар ва даврий илмий журналлар харид қилиш учун Россия рублларини ажратиш тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқсинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиошўхиратчи давлат компанияси, газеталар ва журналлар таҳрирлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Тошкент Давлат университети ректорати билан биргаликда Тошкент Давлат университети юбилейига тайёргарлик қилишини қандай бораётганини ва юбилей тадбирлари ўтказилишини кенг ёритсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги юбилей тадбирларига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш ҳамда Тошкент давлат университети объектлари қурилишининг бориши тўғрисида йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари М. К. Қорабоев зиммасига юклансин.

### ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ РАИСИ И. КАРИМОВ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 1994 ЙИЛ 3 МАЙ

М.С.Салоҳиддинов — Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг президенти

Т.А.Саримсоқов — академик

У.А.Усмонов — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари

А.И.Фозилбеков — Тошкент шаҳар ҳокими

Э.Қ.Ҳайитбоев — Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири

Ю.Ш.Шодиметов — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлими мудири

Р.Ш.Шогуломов — Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитаси раиси

Ж.Г.Йўлдошев — Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири

Н.Р.Юсупбеков — Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси раиси

Ш.Ф.Яҳёев — “ЎЗДАВЕЛЕРАДИО” компанияси раиси

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### РЕСПУБЛИКА ЖАМГАРМА БАНКИ МУАССАСАЛАРИ ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛАРНИНГ АЛОҲИДА МАХСУС ФОЙСИС СЧЕТЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИНГАН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҚАЙТАРИБ БЕРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг СССР Давлат банки ва Россия банкнинг 1961-1992 йиллар нусхасидаги қоғоз рублларини муомаладан чиқариш даврида аҳолининг жамғарма банки муассасаларидаги алоҳида махсус фойсис счелларга топширилган пул маблағларини 1994 йилнинг 5 майидан бошлаб қайтариб бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки: омонатчилар маблағларни талаб қилганларида кўрсатиб ўтилган счеллардан уларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз, даромадлар манбаи тўғрисида декларация талаб қилмасдан қайтариб берилишини таъминласин;

1994 йилнинг 5 майидан бошлаб кўрсатиб ўтилган счеллар бўйича йўқлаб олинган омонатлардаги каби фонизлар тўласин; махсус фойсис счеллардаги маблағларни омонатчиларнинг хоҳишларига кўра омонатнинг амалдаги ҳар қандай турига ўтказсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Пул муомаласини барқарорлаштиришга оид қўшимча чоралар тўғрисида” 1993 йил 6 ноябрдаги 533-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбоши ҳамда 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

### ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ РАИСИ И. КАРИМОВ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 1994 ЙИЛ 3 МАЙ

## Вилоят ҳокимлигида БОШҚАРУВ ЙИҒИЛИШИ

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлими бошқарувининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур бўлим фаолиятига доир бир неча ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Бўлимнинг ижроия директори ва ўринбосари, лавозимлар таркиби, иш режаси, кириш-чиқимлар сметаси тасдиқланди. Шунингдек бўлимнинг жойлардаги таянч тармоқларининг низоми муҳокама қилинди ва маълумланди.

Шундан сўнг бўлим фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолиятини кенгайтириш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Бу ҳақда бўлим ижроия директори Ж. Роҳатова ахборот берди. Бу масала юзасидан махсус қарор қабул қилинди.

Маълумки, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент вилоят бўлими яқинда ташкил этилган бўлиб, у ўз фаолиятини йўлга қўймоқда.

Жуда катта ташкилий ишларни амалга оширишга сафарбар этилган. Бўлимнинг самарали иш олиб бориши учун моддий имконият яратиш, хайрия ишларига қарғаш учун маблағ тўплаш зарур. Ана шуни ҳисобга олиб бошқарув йиғилиши қатнашчилари бўлимни молиявий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида унга маблағ тўплашининг 100 кунлигини ўтказишга қарор қилдилар.

Бундан ташқари бошқарув йиғилишида бўлимнинг фаолиятини такомиллаштириш, унинг ишларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Фикр-мулоҳазалар, таклифлар ўртага ташланди. Бу гоят савобли ишга кенг жамоатчиликни сафарбар этиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишни вилоят ҳокими, “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси Тошкент бўлими бошқарувининг раиси М. Б. Икромов олиб борди ва яқунлади.

## ВАЗИЯТ НАЗОРАТ ОСТИДА

Ўтган шанба куни Оҳангаранда вилоят фавқулодда вазиятлар комиссиясининг кўчма мажлиси бўлиб ўтди. Куни кеча ёққан емғир Ангрэн, Олмалик, Янгибод шаҳарларида, Оҳангарон туманида аҳолини анча мураккаблаштирди. Табиий офатлар хавф солиши мумкин бўлган қишлоқлар ва қўрғонлардан аҳолини қўчириш бўйича шовишлинч чоралар кўрилди, дамбалар ва дарёлар қирғоқларини мустақамлаш, сув ювиб кетган йўللارни тиклаш бўйича ишлар амалга оширилди.

Мажлисда қатнашган вилоятнинг шу минтақадаги шаҳарлари ва туманлари ҳокимлари, бу ишларга алоқадор бўлган вилоят бошқармалари ва бўлимлари раҳбарлари, фуқаро мудофааси штаби ҳамда тартиб-интизомни мустақамлаш органларининг ходимлари вазиятни таҳлил қилдилар, ўз вазифаларини белгилаб олдилар.

Мажлисни вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳ. А. Аҳмедов олиб борди.

Мажлис ишида вилоят ҳокимининг ўринбосари А.А. Раҳимбоев қатнашди.



СОФ ҲАВО, ТИНИҚ СУВ, ТОЗА ТУПРОҚ УЧУН!

# ТАБИАТ ВА ИНСОН

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ САҲИФАСИ

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин экологик муаммоларни ҳал қилишга катта эътибор бериладиган бўлиб қолди. Илгари бу масалага деярли аҳамият билан қаралмаганлиги учун республикамизда, шу жумладан, вилоятимизда экологик вазият ниҳоятда кескинлашиб кетди. Унинг олдини олмаслик ёмон оқибатларга олиб келиши аниқ бўлиб қолди. Шунинг билан ҳисобга олиб сўнгги йилларда табиат муҳофазаси масалалари билан жиддий ва муттасил шугулланилмоқда. У умумхалқ вазифаси, деб эълон қилинди.

Вилоят табиатни муҳофазаси қилиш қўмитаси фаолларининг 1993 йилги иш якунлари ва 1994 йил вазифаларини муҳофама қилишга бағишланган йиғилишида бу алоҳида таъкидланди, табиатни муҳофазаси қилиш йўлида амалга оширилган ишлар ва режалар атрофлича муҳофама қилинди. Йиғилишда маъруза қилган вилоят табиатни муҳофазаси қилиш қўмитасининг раиси Т. Эргашев ва музокарада қатнашган нотиклар шуни таъкидладиларки, табиатни муҳофазаси қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди. Натижада барча саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари ҳамда массасаларда экологик аҳолини яхшилаш билан шугулланиш кескин яхшиланди.

Йил давомида атмосфера ҳавоси, сув манбалари, ер ресурслари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёларини муҳофазаси қилиш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Биргина атмосфера ҳавосини муҳофазаси қилиш нозирлари 530 та саноат ва автотранспорт корхоналарида салкам 700 марта текшириш ўтказдилар. Натижада айрим ижобий ютуқлар қатори катта камчиликлар ҳам аниқланди. Бу муҳим ишда масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбар ва маъсул ходимларга бир ярим миллион сўм жарима солинди. Ҳавони меъридан ортиқча ифлослаштириб келаятган 30 корхона, ускуна ва

жиҳозлар ишини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинди. Шундай манбалардан бири ҳисобланган Олмалиқ кон-металлургия комбинати конвертор ускунаси 54 кун тўхтатиб қўйилди. Ангрен ГРЭСининг 4-корхонаси эса 20 кун мобайнида ишламай турди. Қатор бошқа корхоналарга нисбатан ҳам шундай чоралар кўрилди. Шу тўғрисида ҳавога чиқариладиган ифлос чиқиндилар ҳажми 30 минг тонна камайди.

Ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамай вилоят корхоналарида атроф-муҳит ҳавосини муҳофазаси қилишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилганлигини

доим назорат остида бўлди. Йил давомида бу йўналиш бўйича салкам 900 марта текшириш ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бўйича 169 нафар масъулиятли шахсларга 1 миллион 123 минг сўм жарима солинди. Ер тўғрисидаги Қонунини қўпол равишда бузиб, бу муҳим соҳада ҳужасизликка йўл қўйган ва ердан фойдаланиш учун ҳужжатларни расмийлаштириб олмаган 22 та жамоа фаолияти тўхтатиб қўйилди.

Турли корхоналар ва ҳўжаликлар ташкил этиш учун ажратилган ерлардан вақтида фойдаланиш аҳолини текшириш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди. Бир вақтлар экин

қазилмаларни олишдан ҳолати бузилган 350 гектар ер майдони қайта тикланиб, қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун топширилди.

Қишлоқ ҳўжалигида маъданли ўғитлардан ва ўсимликлар зараркунандаларига қарши кураш учун заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланиш доим назорат остида бўлди. Табиатни муҳофазаси қилиш нозирлари ҳўжаликларда тез-тез бўлиб, бу ишнинг аҳоли билан яқиндан танишиб бордилар. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун зудлик билан чоралар кўрилди. Кўп жиҳатдан уларнинг куч-ғайрати билан биологик усуллардан фойдаланиш анча кеңгайди. Вилоятдаги биология фабрикаларида етиштирилган фойдали ҳашаротлар билан 400 минг гектардан ортиқ экин майдонларига ишлов берилди. Бу режада назарда тутилган 50 минг гектар кўпдир. Нозирларнинг ташаббуси билан экологик соф ўғит — биоғумус ишлаб чиқариш тобора кеңгайиб бормоқда. Бу минерал ўғитлар ишлатишни камайтиришга олиб келаяпти.

Музокарада сўзга чиққан Бекобод табиатни муҳофазаси қилиш худудий қўмитаси раиси И. И. Раҳматуллаев, Оққўрғон тумани табиатни муҳофазаси қилиш нозир И. Муллажонов, республика табиатни муҳофазаси қилиш Давлат қўмитасининг раиси А. Ҳабибуллаев ва бошқалар вилоят табиатни муҳофазаси қилиш ходимлари фаолиятида ютуқлар қатори катта камчиликлар борлиги ҳақида ҳам тўхталиб, уларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Чунки бундай камчиликларни йўқотмасдан туриб 1994 йилда табиатни муҳофазаси қилиш нозирлари олдида турган катта ва мураккаб вазифаларни бажариш мумкин эмаслигини, табиатни муҳофазаси қилиш ишларини янада яхшилаш ҳамда вилоятимиз худудидидаги экологик мувозанатни талаб даражасига келтириш шуни тақозо этишини алоҳида таъкидладилар.

**М. МИРҲАМИДОВ.**

## ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Бунинг натижасида чиқиндиларнинг чиқиши 26 минг тонна қисқарди. Умуман вилоят бўйича бундай чиқиндилар миқдорининг камайиши олдинги йилдагига нисбатан 58,5 минг тоннани ташкил этди.

Ҳисобот даврида сув манбаларини муҳофазаси қилиш эътибор марказида бўлди. Бу соҳадаги ишларни таҳлил қилишга қаратилган кўплаб текширишлар ўтказилди. Бу ерда ҳам жиддий нуқсонлар борлиги маълум бўлди. Натижада маъсул шахсларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилди. Улар салкам 2 миллион сўм жарима билан жазоландилар. Табиат муҳофазаси талабларини қўпол равишда бузаётган 52 та меҳнат жамоаси фаолияти тўхтатиб қўйилди. Сувдан фойдаланиш учун руҳсатнома олмаган ўнлаб корхона-ташкилотлар аниқланди. Уларга нисбатан ҳам тегишли чоралар кўрилди.

Ер манбаларини муҳофазаси қилиш ва қишлоқ ҳўжалигида кимёвий моддалардан фойдаланиш ишлари

экинган ва кейинчалик бошқа мақсадлар учун ажратиб берилган ерларнинг анчагина қисми узоқ давр мобайнида фойдаланмай ётганлиги маълум бўлди. Икки йил давомида ўзлаштирилмаган бундай ерларни қайтариб олиш ва қишлоқ ҳўжалик оборотига киритиш тавсия этилди. Натижада 200 гектарга яқин экин майдонлари саклаб қолинди.

Ердан фойдаланиш устидан назоратнинг кучайтирилиши натижасида ўтган йили 1113 гектар янги ер ўзлаштирилди. Бу режада назарда тутилганидан бироз кўпдир. 3535 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу ишларни амалга оширишга 2,5 миллиард сўм давлат маблағи сарфланди. Бундан ташқари, ҳўжаликлар ўз имкониятларидан фойдаланиб, 100 гектар янги ер ўзлаштиришга эришдилар. Умуман ер муҳофазаси билан боғлиқ бўлган 80 дан ортиқ тадбир амалга оширилди. Бунинг учун ҳўжаликлар ва корхоналарнинг 600 миллион сўм маблағи сарфланди. Фойдали

Табиий офатларга куч-ғайратимизни қарши қўямиз

## ЯГОНА ДАСТУР АСОСИДА

БЎСТОНЛИҚНИ уч томондан ўраб турувчи осмонўпар тоғларнинг аксарият қисми ҳамон оппоқ кўрпа остида ястаниб етипти.

Қишнинг совуқ келиши ва қорнинг роса ёғиши, ёғингарчиликнинг кўп бўлганлигини кексалар ҳам эслашолмайди. Айтишларича, бундан роппа-роса ўттиз беш йил илгари тоғларда қор кўп бўлиб, узоқ вақтгача сақланиб турган.

Қор-ёмғирнинг ортиқча бўлиши туманда кўчки, ўпирилишлар, сув тошқинлари ва селнинг кўпроқ юзга келиши хавфини кучайтирмоқда. Кунлар исиб, қор ёппасига эрийбошлагач, бу жараён шу ой охирида авжга чиқиши кутилмоқда, унда сув оқими табиий кўпаяди. Унинг халқ ҳўжалигига келтирадиган зарарининг олдини олиш ёки кам бўлишига эришиш учун зарур бўлган кўпдан-кўп чоралар кўрилмоқда. Чунончи, тумандаги энг йирик Чорвоқ суви омборида тошқин сувларини қабул қилиш учун унинг бир миллион тўрт юз минг куб метр ҳажми бўшатилиб қўйилди. Унинг суви ҳозир жуда паст даражада турипти. Ҳўжакент ва Ҳазалкент суви омборларида сувининг

даражаси тартибга солиниб турибди, улар ҳам тошқин сув ва селни қабул қилишга тахт қилиб қўйилган.

Бундан ташқари, механизациялашган кўчма жамламалар табиий офатларни бартараф этиш учун курашга тайёр қилинган. Ўнлаб йўл қурилиши техникаси воситалари, кўплаб автотранспорт шай бўлиб турипти. Уларни кўчки-ўпирилишлар юз берган жойларга дарҳол етказилиши таъминланади.

Туманда турли кўринишдаги табиий офатлар юз берини эҳтимоли бўлган хавфли минтақаларда яшовчи аҳолини бошқа жойларга доимий ёки вақтинча истиқомат қилиш учун кўчириш ишлари тўхтовсиз олиб борилмоқда. Ҳозиргача икки юзга яқин оила қариндош-уруғлариникига, ётоқхоналарга, ўқувчилар оромгоҳларига, дам олиш уйларига ва бошқа яшаш мумкин бўлган жойларга кўчирилди.

Лекин, вазият кун сайин ўзгариб, мураккаблашиб бормоқда. Туман бўйича март ойи охирида бундай хавф бешта ҳўжаликда бўлган эди. Апрель ойи бошида 182 та, ҳозирги кунга келиб эса икки юз хонадонга хавф

солинмоқда. Уларни вақтида кўчириш учун барча чоралар кўрилди.

Туман худудида катта-кичик табиий офатлар содир бўлмоқда. Ўпирилишлар, кўчкилар ҳақидаги хабарлар, кам бўлса ҳам, келиб турипти. Олдиндан ҳар томонлама кўрилган ҳозирлик туфайли уларнинг оқибатлари тезда бартараф этилмоқда. Кўчкиларнинг дастлабкиси Ҳазасой қишлоғи яқинида содир бўлди. Катта ҳажмдаги тупроқ Тошкент-Чимён автомобил йўлининг анчагина қисмини тўсиб қўйди. Лекин шошилинч равишда кўрилган чора-йўл қурилиши техникасини бу ерга ташлаш билан кўчки суриб ташланди ва автотранспорт қатнови тезлик билан тикланди.

Шундай ўпирилиш натижасида Угам дарёси ўзани тўсилиб қолди. Тўпланаётган дарё суви атрофга тошиб, аҳоли манзилгоҳларига зарар келтириши турган гап эди. Лекин, табиий пайдо бўлган тўғон бузиб ташланди ва сув йўли очилди. Сел оқимининг бири икки қишлоқни боғловчи автомобил йўлини тўсиб қўйди. Етарли ишчи кучи ва техника воситалари оғварбар этилгач, бу хавф

ҳам тез бартараф этилди. Қорабулоқ деган жойда юз берган катта ҳажмдаги кўчки ўзининг бир қисми билан чорвачилик фермасини вайрон қилди. Ўнлаб йирик шохли қора моллар ҳалок бўлди.

Бу йил табиат бўстонлиқликларни катта синовдан ўтказмоқда. Унинг олдида саросимага тушмаслик, куч-ғайратни бирлаштириш, табиатнинг бундай қўпол хазинлари олдини олиш ва уларни тўла тайёргарлик билан кутиб олиш лозим. Туман ҳокими Абдуманноб Абдувосиков бошчилигидаги штаб куну тун узлуксиз, тинимсиз ишламоқда, унинг аъзолари ҳамма воқеалардан кўз-қулоқ бўлиб турипти. Бу ишда республиканинг қатор вазирликлари яқиндан ёрдам бермоқда. Айниқса, Ички ишлар вазирлигининг кўмаги яхши бўлаяпти. У алоҳида хавфли минтақаларда қароргоҳлар ташкил этди ва навбатчиликни йўлга қўйди.

Туманда аҳолини ва халқ ҳўжалигини сел, тошқинлар, кўчкилар ва ўпирилишлардан ҳимоя қилишнинг узоқ муддатга мўлжалланган дастури ишлаб чиқиляб, қабул қилинди. Шунга мувофиқ табиий офатларнинг олдини олиш ва содир бўлгандаги зарари илжои борича камроқ бўлишини таъминлашга қаратилган тадбирлар мажмуи белгиланди.

**М. ҲАМИДОВ.**

Муҳарририятга хат

## Покизаликка не етсин!

КЕЙИНГИ пайтларда вилоят ҳокимлиги тозаликка эътибор бераётганлигини рўзномангизда босилаётган катта-кичик мақолалар, хабарлардан ўқиб кўп хурсанд бўляпмиз. Дарҳақиқат, тозалик — бизларнинг авлод-аждоғларимиздан мерос. Муслмонлар ҳаммаша ўзларини ҳам, уй-жойлари, теварак атрофларни ҳам саранжом-сарипта, покиза тугиб келганлар. Афсуски, кейинги йиллар ичида бу анъаналарга путур етгандек бўлди. Сувга ахлат тўкиш, чиқиндиларни ташлаш гуноҳи азим эканлигини писанд қилмай қўйилди.

Ваҳоланки, ҳадисларда тоза сувларни булғамаслик тўғрисида кўп бора қайд қилинган. Кексалар яхши билишади, илгари Қайковус, Ўрдадаги анҳор сувларини аҳоли истеъмол қилиб келган. Кўчага ахлат тўкиш жуда уят ҳисобланган. Ҳовлисида кир ўраси бўлмаган хонадон бесаранжом, тартибсизлар қаторига киритилган.

Ҳўш, нега биз ана шу умримиз зийнати бўлган зукко фазилатларимизни унутаяд-дик? Нега биз кўчалар, ҳиебонлар, яшаш жойимиздаги ҳудудлар ахлат уюмига тўлиб кетса ҳам унга бефарқ қарайдиган бўлиб қолдик? Шу боис, вилоят ҳокимлигининг қатъий туриб, озодалик учун талабни тобора ошираётганлигини тўла-тўқис қўллаб-қувватлаймиз.

Тозалик — тани-сиҳатлигимиз манбаи, дили-миз равшанлиги экан унга, албатта, риоя қилайлик. Покизаликка не етсин, қадрдонлар!

Ядё хожи **ТУРДИЕВ**,  
"Кўктерак" жомеъ масжидининг имом хатиби



Ўсиб келаётган еш авлоднинг экологик тарбиясини кучайтириш таълим-тарбия жараёнининг шу кундаги муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Уларда ешликдан табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, уни асраб-авайлаш кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантиришни давримиз талаб қилмоқда. Чунки, экологик аҳвол шунчалик мураккаблашиб кетдики, она табиатимизни поймол қилиш шу даражага бориб етдики, унинг олдини олмаслик, йўл қўйилган хатолар, агар айтиш жоиз бўлса, кўрнамакликни бартараф этмаслик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Эндиликда бу ҳамма учун аён бўлиб қолди. Бу ҳам ошкоралик, камчиликларни хас-пўшламасдан очиқ айтиш даври келганлиги натижасидир. Шу сабабли ҳам республикаимиз мустақил бўлганидан кейин экология масалаларига эътибор кучайди. Ўзбекистон Респуб-ликсининг шу ҳақдаги қатор қонунлари ва қарорлари қабул қилинди. Бу ҳужжатларда экологик тарбиянинг кўламини бекиёс кенгайтириш, уни болалар боғчалари ва мактабларидан бошлаш ва яхши йўлга қўйиш, дарсликлар яратиш ва бошқа шу каби масалаларга алоҳида аҳамият бериш зарурлиги таъкидланган.

Ўзбекистон ўқувчилари республика экология-табиатшунослик марказининг педагогик жамоаси бу муҳим ишга муносиб ҳисса қўшишни ўзининг асосий вазифаси бўлиб қолишига эришиш учун тинмай изланмоқда. Марказда ташкил этилган ва асосан табиатни ўрганиш, болаларда унга нисбатан меҳрни кучайтириш билан шуғулланувчи ўнлаб тўғарақлар ишлаб турипти. Айни вақтда бу муҳим ишнинг бошқа шакллари билан фойдаланишга ҳам ҳаракат қилинмоқда. Экология — табиатшунослик бўйича иқтидорли болаларнинг республика йиғинлари, кўрик-танловларини ўтказиб туриш йўлга қўйилди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қарори билан бундай йиғиннинг учинчиси бўлиб ўтди. Уч кун давом этган бу йиғинда республикаимизнинг барча вилоятлари ва пойтахти мактабларида таълим олаётган, жойларда ўтказилган шундай ҳудудий йиғинлар ғолиблари бўлган қўзлаб талабалар қатнашдилар. Улар экология, ўлкашунослик, табиат ва инсон, биология шўъбаларига бўлиниб, шу соҳалар бўйича билимдонлик юзасидан ўзаро мусобақалашдилар. Кўрик-танлов кўпчилиги иш-

тирокчилар бу масалаларда анча дуруст тушунчаларга эга эканликларини намойиш этди.

Улар экология соҳасидаги қонуннинг жойларда бажарилиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув, ҳайвонот ва ўсимлик дунёларини ҳимоя этишнинг, инсоннинг табиатга таъсири, атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш муаммолари ҳақида фикр юритилган муаллифлик рефератларини ҳимоя қилдилар. Биология ва табиатшунослик соҳаларида олиб бораётган амалий ишлари ва тажрибаларини ўртоқлашдилар. Олимлар, етук мутахассислар, педагоглар, услубчилардан тузилган малакали ҳакамлар ҳайъати кўрик-танлов иш-тирокчиларининг беллашувини баҳоладилар.

Шўъбалар бўйича ўтказилган ўзаро баҳсда ғолиб чиққан ўқувчилар орасида кўпчилик вилоятларнинг вакиллари борлигини мамнуният билан қайд қилиш керак. Уларга дипломлар, эсдалик совғалари, мукофотлар берилди, айрим ўқувчилар халқаро “Экосан” жамиятининг стипендиатлари бўлишди. Лекин бу галги “Иқтидорли болалар” йиғинида қатор вилоятлар қатори пойтахт вилояти вакиллари кам, бунинг устига жуда суғ иш-

тирок этганлигини ачиниш билан қайд қилишга тўғри келади. Вилоятнинг оз сонли вакиллари билан бирор ўқувчи таъсис этилган йиғинга мукофотли ўринларни эгаллаган еш табиатшунослар сафида йўқлиги афсусланарли бир ҳолдир. Ўйлаймизки, вилоят халқ таълими бошқармаси ва тегишли мутасадди ташкилотлар бундан зарур хулоса чиқариб, мактабларда экологик тарбияни кучайтиришга қаратилган амалий чораларни кўрадилар. Пойтахт вилояти шаъни шуни тақозо этади.

Экология ва табиатшунослик бўйича “Иқтидорли болалар” кўрик-танловини ўтказиш анъанавий бўлиб қолади. Бу шубҳасиз, мактаб ўқувчиларида табиатни ўрганиш, уни авайлашга бўлган қизғин ва интилишни кучайтиришга олиб келади. Вазифа унинг ҳар гал мазмунан бой, ҳар томонлама қизиқарли ва таъсирчан ўтишини таъминлашдан иборатдир, Марказимиз педагогика жамоаси бу ишга ўзининг муносиб улушини қўшади.

**О. МАЖИДОВА,**  
Ўзбекистон ўқувчиларининг экология-табиатшунослик маркази раҳбари.

Ҳуқуқшунос мулоҳазалари

## МАЛАКАЛИ ХОДИМЛАР ТАЙЁРЛАЙЛИК

Республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг кўпчилик ижтимоий масалалар қатори табиатни муҳофаза қилишга ҳам эътибор йил сайин кучайиб бормоқда. Айни вақтда бу соҳа мутахассислари зиммасига юклатилган вазифалар ҳам кенгаймоқда. Улар, аввало, ўз соҳаларининг етук мутахассислари бўлишлари, фан ва техникани, ишлаб чиқаришни, қишлоқ хўжалигини, халқ хўжалигининг барча тармоқларини билишлари ва тушунишлари лозим. Чунки ўз фаолиятлари давомида барча соҳалардаги экологик муаммоларга дуч келадилар. Айни вақтда уларни ҳал қилиш йўллари ҳам пухта билишлари лозим.

Шундай бўлгач, табиатни муҳофаза қилиш ходимларига нисбатан ҳам талаб мутассил ортиб боради. Буни доим назарда тутиш лозим. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раҳбарлиги ўз фаолиятида бу масалани ҳам четда қолдирмаяпти. Бу ерда мутахассислар, давлат нозирлари билан бир неча йилдан бери турли хил ўқувлар уюштирилмоқда. Уларнинг ҳуқуқий таълими бўйича ҳам машғулотлар ўтказилляпти. Албатта, бу тадбирлар ўз самарасини бераёпти. Бироқ, уларни етарли деб бўлмайди. Зероки, юқорида айтганимиздек, бу соҳа ходимлари ўз касбларини юксак даражада билишлари лозим. Бунинг устига уларнинг кўпчилиги бошқа соҳалар мутахассисларидир. Шу боис табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган тажрибани амалий ишда ўрганиб, назарий ўқиб эгалламоқдалар.

Лекин, шунга қарамай бу масалага мажмуи муносабатда бўлиш талаб қилинмоқда. Унга фақат махсус билим эгаси бўлиш, ҳуқуқ масалаларига эмас, айни вақтда ахлоқ-одоб, психология масалалари ҳам кирди. Ҳатто, санитария нозирлиги, ички ишлар бўлимлари органлари билан ўзаро ҳамкорлик қоидаларини амалга оширишда ҳам қатор масалалар пайдо бўлмоқда. Демак, уларни аниқ тартибга солиш лозим.

Ҳозирги вақтда таркиб топган табиатни муҳофаза қилиш тизими анча замонавий, олдинги вақтдагисидан кескин фарқ қилади. Бироқ, у ҳам мутассил ривожланиши, такомиллаштиши лозим. Қуйи нозирлик бўғинларининг ташаббускорлигини ошириш, уларнинг амалдаги қонунчилик талабларига сўзсиз риоя қилишларига эришиш, хайрли ишларида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим.

Шундан келиб чиқиб, муҳим бир масала устида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Экологиянинг ҳам соҳалари жуда кўп. Уларни чуқур эгаллаш анча мушкул. Шунинг учун тармоқлари бўйича етук мутахассис ходимлар тайёрлаш вақти етиб келди. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузурида шундай мутахассислар тайёрловчи ўрта ёки олий ўқув юртини таъсис этиш зарурга ўхшайди. Бу масала қанча тез ҳал қилинса, шунча яхши бўлади, деб ўйлаймиз. Республикаимизда, шу жумладан, вилоятимизда таркиб топган аянчли экологик аҳволнинг янада ёмонлашиб кетишига йўл қўймаслик ва уни яхшилаш шуни тақозо этмоқда. Чунки, етук малакали мутахассисларга ўз соҳасининг билимдонлари бўлаоладилар ва унинг камол топишига самарали ҳисса қўша оладилар.

**Т. ТИЛЛАЕВ,**  
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ҳуқуқий масалалар бўйича бош мутахассиси.

### БИЛИБ ҚЎЙСАНГИЗ ЗАРАР ҚИЛМАЙДИ

• ЭСКИ капрон пайпоқларини ташлаб юборманг. Чунки, у рўзғорда ишлатилиши мумкин. Масалан, чангсўрг ичларда фойдаланса бўлади. Бундай пайпоқ чангсўргачга кийгизилади. Бу халтача тўлгач, уни ахлат билан ташлаб юбориш мумкин. Бунинг ҳеч қандай қийинчилиги йўқ.

• ТЕШИЛИБ қолган челақни тузатишнинг бир усули билан танишибқўйинг. Ҳосил бўлган тешикка конус шаклида ўралган бир бўлак полиэтилен пленкасини (учини ташқарига чиқариб) тиқасиз ва уни икки томонидан ендирасиз. Эриган полиэтилен тешикни мустаҳкам беркитади. Шундай усул билан челақни яна узоқ вақт ишлатиш имкони туғилади. Ҳозирги даврда бу ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

• САРИМСОҚ пиезни кўпчилик хуш кўради, тановул қилгиси келади. Лекин, унинг ҳиди бунга йўл қўймайди. Бундай ҳид, айниқса, кўпчилик ўртасида келиб турса, жуда ноқулайдир. Шундай бўлмаслиги учун саримсоқ пиезни танавул қилганингиздан кейин петрушка илдизи еки кўкратини чайнаб юборсангиз ҳид кетади.



Бустонликда табиий гор ва қудуқлар жуда кўп. Афсуски, уларнинг айримларидан нотўғри фойдаланиляпти. Масалан, Уғомдаги Қирийловда жойлашган бу табиий қудуққа чўпонлар турли касалликдан ўлган қўй-қўзиларни ташлашади. Оқибатда унинг тубидан оқиб ўтувчи ер ости дареси инфлосланб Танибердисойга қуйилади.



Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўтган йили энг самарали фаолият кўрсатган маҳаллий ташкилотлар ичида биринчи ўринни Ангрен худудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига берди. Бу, албатта, ушбу қўмита жамоасининг фидокорона меҳнати, атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтиришда эришган ютуқларига берилган муносиб баҳо бўлди. Шу муносабат билан муҳбиримиз қўмита раиси А. РАҲМАТУЛЛАЕВ билан суҳбатлашди.

— Аввало атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга қаратилган ишларимиз қанчалик самарали ва кўламли бўлмасин, у билан қаноатланишга ҳеч қандай асос йўқдир, — деди у. — Амалга оширилган ишларни ҳамир учидан патир дейиш мумкин. Чунки, бу соҳада ҳали ниҳоятда кўп иш қилиниши керак. Бунинг учун неча-неча йиллар ва миллион-миллионлаб сармоялар лозим. Зероки, табиатимиз шу даражада ифлосланиб, захарланиб кетганки, уни қисқа вақт ичида тартибга келтириб бўлмайди.

Шаҳримизда атроф-муҳит мусаффолигини яхшилашга қаратилган тадбирлар узоқ муддатга мўлжаллаб ишлаб чиқилган дастур асосида олиб борилмоқда. Лекин, афсуски, белгиланган чора-тадбирларнинг ҳаммаси ҳам вақтида амалга оширилмаяпти, буни кўпинча имконият ва маблағлар етишмаётганлиги билан изоҳлашга ҳаракат қилинади. Бу билан мутасаддиларнинг ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам алдаётганликларини билмаётганликларидан хафа бўласан, афсусланасан, киши.

Умуман эса шаҳримиз табиатини

муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар йил сайин кўпроқ амалга оширилаётганлигини ҳам мамнунлик билан қайд қилиш лозим. Айримларининг самараси дуруст бўлмоқда.

Маълумки, шаҳардаги кўмир разрезидан ҳар йили миллион тонналаб ёқилғи қазиб олинади. Қўмитамизнинг саъй-ҳаракатлари ва корхона раҳбарлигининг ишга астойдил киришиши натижасида ёқилғи таркибида радиация бор-йўқлигини текшириш йўлга қўйилди. Бунинг учун махсус хавфсизлик

этибор кучаймоқда. Шу сабабли сўнги уч йил мобайнида юз гектардан ортиқ ер тартибга келтирилди. Уларда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш имкони вужудга келди.

Шаҳардаги давлат район электр станциясининг атроф-муҳитни ифлослантирувчи манба сифатидаги "роли" ҳам йил сайин камайиб бормоқда. Кейинги вақтларда корхонанинг кул-шлак хавзасида қатор ишлар амалга оширилди. Натижада бу ердан атрофга кулнинг тарқалиши тўла

истироҳат боғлари, қўқаламзорлаштирилган майдонларида дайдиб, табиатга зарар келтираётган чорва камайди. Уларнинг эгалари аниқланиб, тегишли жазо берилаяпти. Худди шу йўл билан ундирилган жарима ҳажми уч юз минг сўмдан ошиқроқни ташкил этди.

Шаҳарда табиат муҳофазаси бўйича кўрилган айрим чораларнигина тилга олдик, уларнинг ҳаммасини санаб ўтишнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак. Лекин, бизда яхши анъана бўлиб қолган бир тадбир ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Шаҳарда эрта баҳордан то кеч кузгача ҳар ҳафтанинг жума куни озодалик ва тозалик куни ўтказиладиган бўлиб қолди. Шу куни ҳар бир корхона, ташкилот ёки муассаса жамоаси ўзига бirkитилган майдон, кўчалар, йўллар, ҳиёбонлар тозаланиши кўздан кечирилади, лозим бўлса, чора-тадбирлар кўради. Бу билан ахлат, супириндилар ва чиқиндиларнинг тўпланиб қолиши бартараф этилди. Лекин, шаҳримизда табиат муҳофазаси, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш юзасидан кўриладиган чоралар, амалга ошириладиган тадбирларни етарли деб ҳисоблаш хато эканлигини яхши тушунамиз. Бу олийжаноб мақсад йўлида ҳали кўп иш қилиш, табиатнинг ифлосланишини жилла қурмаганда йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрга келтиришга эришиш лозим. Қўмитамиз нозирлари бу ишда кенг жамоатчиликнинг иштирок этишини таъминлашлари, уни амалда умумхалқ ишига айланиши учун экологик тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини оширишлари керак. Шундагина вилоят беллашуви голиби, деб билдирилган катта ишончини оқлай оламиз.

«Табиат ва инсон» почтасидан

## БАРИБИР КҮНГЛИМИЗ ТЎЛАЁТГАНИ ЙЎҚ

хизмати ташкил этилди. Натижада, қазиб чиқарилаётган кўмирнинг ҳаммаси радиация назоратидан ўтказиладиган бўлди. Зарарли нур таъсирга учраган ёқилғи ажратилиб, махсус жойга кўмиб ташланмоқда.

Худди шу кўмир разрезидан табиатни, тўғрироғи, ер муҳофазаси билан боғлиқ бўлган яна бир муҳим иш қилинди. Маълумки, бу ерда кўмир очиб усулда қазиб олинади. У жойлашган қатламга етиб боргунча катта ҳажмдаги кон устини очиш ишлари амалга оширилади, тош-шағал аралаш тўпроқ бунинг учун ажратилган жойларга тўкилади. Узоқ йиллар давомида тўпланган бу чиқиндилар уюмлари тоғларни эслатади ва каттагина майдонни эгаллаб ётипти. Бу ерда эса деҳончиликни йўлга қўйиш мумкин эди. Кейинги вақтларда бундай ерларни ҳам ўз ҳолига келтиришга

тугатилади. Бошқа бўлинмаларда табиат муҳофазаси бўйича ҳам тадбирлар кўрилди. Станциянинг тўртинчи корхонаси табиатга зарар келтиргани учун 20 кун давомида тўхтатиб қўйилди. Тегишли тадбирлар кўрилиб, нуқсон бартараф этилгач, ишлатишга рухсат берилди.

Ангрен олтин корхонасининг Кўчбулоқ конида йирик тозалаш иншооти ишга туширилди. У бир кеча-кундузда 1,4 минг куб метр оқавани тозалаш қувватига эга. Биргина шу туфайли бу ерда оқаваларнинг ифлослик даражаси йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёргача камайди.

Қўмита шаҳар коммунал хўжалиги, ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда шаҳардаги ҳар бир дарахтни, мавжуд кўкатларни асраш учун астойдил курашмоқда. Шу туфайли шаҳарнинг

Экологик таълим — ҳаммага

## АНИҚ РЕЖА БИЛАН

Юқоричирчиқ худудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси аҳоли ўртасида экология таълимини тарғиб қилиш ишининг турли-туман шаклларида фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Туманда давлат ва жамоа хўжаликлари раислари ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси учун масъул бўлган ходимлар ўқувининг ташкил этилиши ҳам шунданidir. Уни ўтказишда табиатни муҳофаза қилиш ходимлари қатори санитария-эпидемиология станциялари, оқавалар ва об-ҳавонинг тозаланиши аниқлаш билан шуғулланувчи лабораториялар мутахассислари ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Яқинда яна бир шундай ўқув ташкил этилди. Унинг бўлиб ўтган қатор машғулотларида мутахассислар экология муаммолари бўйича маърузалар қилдилар, суҳбатлар ўтказдилар. Юқоричирчиқ худудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси Д. Қаҳҳоров тингловчиларга республика қишлоқ хўжалигида табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик ҳужжатларининг қоидалари ҳақида батафсил гапириб берди, давлат ва жамоа хўжаликларида таркиб топган экологик аҳволни тавсифлади ҳамда уни яхшилаш йўллари ҳақида фикр юритди.

Машғулотларнинг бирида ер ресурслари, ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсини муҳофаза қилиш бўйича давлат нозир С. Ёқубова қишлоқ хўжалигида экинлар зараркунандаларига қарши курашнинг биологик усулини ривожлантириш, ер участкаларини тўғри ажратиш масалалари ҳақида тўхталди, айниқса захарли кимёвий моддалар сақланадиган омбарлар, гўнг тўпланадиган жойларнинг аҳволига эътиборни қаратди, дарахтларни ўзбошимчилик билан кесишнинг ёмон оқибатлари ҳақида мисоллар келтирди.

Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва оқилонга фойдаланиш бўйича давлат нозир Ш. Тожиёвнинг муҳофаза қилинадиган сув минтақалари, дарёлар соҳилларида қурилишлар қилмаслик лозимлиги, артезиан қудуқлардан фойдаланиш талабларига амал қилиш тўғрисидаги суҳбатини тингловчилар қизиқиб эшитдилар. Кўпгина саволларга жавоб берди. Жўмладан, сувдан фойдаланиш учун махсус рухсатнома бўлиши, оқова сувлар ифлослигининг мумкин бўлган меъёрлари, меъеридан кўп оқизиб юборилгани учун тўланадиган ҳақ миқдори ҳақида гапириб, ҳамма жойда иложи борида оқаваларни тозалашни йўлга қўйишнинг аҳамиятини таъкидлади.

Ўқув қатнашчилари олдида маъруза қилган муҳитни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассис Д. Алимбоев ўз сўзини ҳавони муҳофаза қилиш масалаларига бағишлади. Тингловчи бўлган қишлоқ хўжалик ходимлари бу ўқиш натижасида ўзларининг экологик билимларини анча бойиганлигини таъкидладилар ҳамда шундай ўқувларни мунтазам уюштириб туриш фойдадан ҳоли бўлмаслигини айтдилар.

Ч. ПЕРЕПЕЛИЦИНА.



Равочнинг шифобахш ўсимлик эканлиги қадим замонлардан халқимизга маълум ва машҳур. Кейинги вақтларда бу кўкатнинг камайиб кетганлиги ташвиш тугдирмоқда. Унинг орғиқча юлинишига чек қўйиш вақти келди. Ушбу суратда тошлар орасида сақланиб қолган равочнинг баргини кўриб турибсиз. Унинг айланаси бир метргача боради.

## Самарали меҳнатлари тақдирланди

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўтган йилги иш якунлари бўйича зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажарган. Ўз ишига масъулият билан муносабатда бўлиб, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш соҳасида самарали иш олиб борган қатор ходимларни турли хил мукофотлар билан тақдирлади. Улар орасида пойтахт вилоятимизнинг ҳам қатор вакиллари бор.

Қўмита раисининг буйруғи билан Бекобод худудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Эркин Раҳматовнинг намунали фаолияти фахрий ерлик билан тақдирланди. Ангрен худудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг бош мутахассиси Абдулла Холдоев ўтган йили қатор корхоналар ва ташкилотларда атроф-муҳит мусаффолигини яхшилаш билан боғлиқ бўлган тадбирларнинг амалга оширилишида жонбозлик

кўрсатди. Унинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фидокорона меҳнати муносиб тақдирланиб, 100 минг сўм-купон билан мукофотланди.

Табиий муҳитга чиқарилаётган чиқиндиларни таҳлилий назорат қилиш махсус нозирлигининг етакчи нозир Ольга Николаевна Кликунова, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича махсус нозирлиги бошлиғи Нина Викторовна Хаустоваларга ташақкур эълон қилинди.



Сўраган эдингиз

## ШАКАР ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?

Шакар — аҳолининг энг кўп истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларидан ҳисобланади. Бу маҳсулотнинг келиб чиқиши ва ҳозирги вақтдагидек кўп истеъмол қилиниши ҳақида мақола ўқишни истар эдик.

Умаровлар оиласи,  
Тошкент шаҳри.

ҲАҚИҚАТАН ҳам шакар қадимдан инсон тановул қиладиган озиқ-овқатлар қаторига киради. Бироқ уни истеъмол қилувчилар бу фойдали ва ноёб маҳсулот турининг келиб чиқишини билмасликлари мумкин. Шунинг учун шакарнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши ҳақида қисқача тушунча бермоқчимиз.

Қатор матбуот органларида, чунончи, «Азия и Африка сегодня» журналида еритилган материалларга қараганда, шакарнинг ватани Осиё қитъасидир. Шу қитъа мамлакатларидан у жаҳоннинг бошқа минтақаларига тарқалган. Шакар (сахар) сўзининг ўзи санскрит «шаркар» — шагал, қум, шакар қуми сўзидан келиб чиққан. Бундан у этимологик жиҳатдан ҳам Шарқ билан боғланганлиги билиниб турипти. Шакарқамишнинг ватани деб Жанубий-Шарқий Осиё юритилади. Ҳиндистонда бу экин эрамиздан олдинги 3000 йилда ҳам маълум ва машҳур бўлган. У Яқин Шарқ, Ўрта Ер денгизи мамлакатларида, Хитойда эрамизнинг VI асрида экила бошлаган.

Шакарқамиш маҳсулоти таъмини тоғиб кўрган биринчи европаликлар Искандар Зулқарнайн жангчилари бўлганлиги ҳам маълум. Европада уни кўп вақт давомида «асаларисиз асал», «ширин туз» ва бошқа «тотли» номлар билан аташган. Европа мамлакатлари фақатгина УШ асрга келиб шакар шакарқамишда бўлиши, у шу ўсимликдан олинишидан воқиф бўлдилар. Бироқ у Европа мамлакатларининг бирортасида Испаниянинг денгиз соҳилидаги унча катта бўлмаган майдонларни ҳисобга олмаганда, ўсмайди, етиштирилмайди.

Шакарнинг саноат ишлаб чиқариши пайдо бўлишига олиб келган сабаб эса Англия бошчилигидаги давлатлар иттифоқи томонидан XIX аср бошида Францияга нисбатан эълон қилинган қамал бўлди. Бу қамал оқибатида Францияга шакар келтирилмай қўйди, аҳолиси бу маҳсулотдан маҳрум бўлиб қолди. Шундай бир вазиятда Наполеон мамлакатга келтириладиган шакар ўрнини босадиган маҳсулотни кашф қилиниши учун бир миллион франк мукофот таъсис этди. Бу ўша пайтда жуда катта пул эди. Шунинг учун ҳам француз олимлари муаммони ҳал қилиш учун изланишга киришиб кетдилар. Улар шакар қамиши кесимини микроскопда таҳлил қилдилар ва унинг шарбати кристаллари тузилишини ўргандилар. Навбатдаги изланиш босқичида эса физикавий-кимёвий хусусиятлари жиҳатидан шу қамишга ўхшаш ўсимликларни қидириб топиш бўлди. Олимлар лавлагига эътибор бердилар. Ундан ажратиб олинган ширин модда қамиш шарбатига ўхшаш бўлиб чиқди. Тадқиқотлар натижалари саноатчиларга тақдим этилгач, улар шакар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

Русияда биринчи шакар заводи 1812 йилда Тула вилоятининг Алябьев қишлоғида ишга туширилган эди. У Франциядагидан кейин Оврупода иккинчи завод бўлди. Улуғ Ватан урушидан олдин Янгийўлда ҳам шундай корхона ишлаб турарди. Кейинчалик унинг бахридан ўтилди, қимматли озиқ-овқат ҳисобланган қанд-шакар собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларидан келтириладиган бўлди. Ҳозир эса қатор чет эл мамлакатларидан ҳарид қилинмоқда. Лекин бу билан барибир талабни қондириб бўлмапти. Шунинг учун республикамизда қатор шакар заводларини барпо этиш ишлари бошланиб кетди. Улар ҳорижий шериклар ердамида бунёд қилинмоқда. Бу корхоналар ишга тушгач, аҳолини қанд-шакар билан таъминлаш, албатта, яхшиланади.

## ЗАҒИЗҒОН ТОПИБ БЕРДИ

Бу кизик воеанинг гувоҳи бўлганим учун тафсилотини яхши биламан. Оиламиз қишлоқда яшайди. Шундай бўлгач етарли мол-ҳолимиз бор. Сигир-қўй дегандек. Сут ҳам, гўшт ҳам ўзимиздан чиқади. Хар кунни эрталаб жониворларни уйимиздан сал нарироқдаги ўтлоққа қўйиб юборамиз. Унинг енида катта зовур ҳам бор. Сохилларини қамиш босиб кетган, чакалакзор...

Кун бўйи ўтлаган молларимизнинг ўзи кечга томон уйга қайтиб келаверади. Ўшанда кеч куз эди. Бир кунни қашка деб чақирадиган қўйимиз келмай қолди. У бўғоз эди. Ҳаммамиз қидириш учун ўтлоққа бордик. Кун ғира-шира эди. оз вақт ўтар-ўтмас ҳаммаёкни қоронгулик босди. Қўйни роса қидирдик, лекин тополмадик. Хар хил хаёлга бордик...

Илашни эртаси кунни эрталабдан яна бошладик. Ноумид шайтон, деганларидек, пешинга яқин уни топдик. Бунинг сабабчиси зағизғон бўлди. Ҳа, ҳайрон бўлманг, бу бор хақиқат, ўзим шохиди бўлганман. Қўйни қидиравериб, роса ҳориб дам олаётган эдик. Бир зағизғон биздан 25-30 метрча наридаги дарахтга қўниб, ўзича «чугурларди». Бизнинг ўзига эътибор берганимизни сезгач, нарироққа учиб бориб ўз тилида бир нималар деди. Шунда отам бу бежиз эмас, зағизғонда бир гап бор, деб ўринларидан турдилар-да, куш томон юрдилар, у яна нарироққа бориб тўхтади. Биз ҳам падарибузрикворимизга эргашдик.

Зовур енига бориб қамишзор ичкарисига бир-икки қадам қўйган ҳам эдик қўйимиз кўринди. Унинг енида кўзичоқ етарди. Демак, тўлғоғи тутиб қолган қўйимиз овлоқроқ жой қидириб, шу ерга келган эди. Об-ҳаво бироз совиган, дастлабки қор учқунлаган эди. Буни қарангки, бу ерларда бўлар-бўлмасга изғиб юрадиган чябўрилар ҳам пайқамапти жониворларни. Биз кўзичоқни бағримизга босиб, уйга томон йўл олдик, она қўй эса эргашиб келаверди. Ўзимиз билан овора бўлиб зағизғонга «миннатдорчилик» билдириш ҳам эсимиздан чиқипти. У аллақачон кўздан гойиб бўлган экан. Шу-шу менинг бу паррандага нисбатан меҳрим зиёда бўлиб қолди.

И. ҚОСИМОВ,  
Занғота туманидаги  
«Туркистон» жамоа хўжалиги.

• Тоғлар бағрида мафтункор лолалар ўзини кўз-кўз қилмоқда.



• Асалари бол йнгиш

ташвишида.

Сураткаш Ҳ. СОЛИХОВ.



Билиб қўйган яхши

### БЕЛ ОҒРИГИДАН ХАЛОС БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ

• Бел оғригини даволашнинг усуллари аччагина бор. Уларнинг яна биттасини синаб кўринг.

Юмшоқ мис симини топиб, белингизга иложи борича оғриқ бўлаётган жойга яқин қилиб икки марта ўранг ва уни икки кун давомида олмай туринг.

### БУЙРАҚДАГИ ҚУМ-ТОШНИ ТУШИРИШ УЧУН

• АГАР бир кунда ярим стакан иссиқ сувга лимон шарбатини қўшиб, шунингдек, кунига сабзи, лавлаг ва бодринг шарбатлари аралашмасини 3-4 мартадан бир неча кун давомида ичилса, буйрак ва ўт пуфагидаги қум ва шагалдан қутилиш мумкин. Умуман сабзи, лавлаг ва бодринг шарбатлари аралашмаси ўт пуфаги, жигар, буйрак учун яхши тозалаш воситаси ҳисобланади.

### СИНАБ КЎРИНГ

• ОДАТДА еш болалар уйкуда пешоб қилиб қўйишади. Унинг олдини олишнинг яна бир усулини эътиборингизга ҳавола қиламиз. Болани ухлатишдан олдин унга ярим чой қошиқ асал едириб кўринг-а бу унга, албатта, юқоридаги одатни йўқотишда ердам бериши керак.

Кизик ҳодисалар

## ЁРДАМ СЎРАГАН ТУРНА

Баҳорнинг бошларида содир бўлган эди бу воқеа. Шундай пайтларда бўш қолдик дегунча қардош Қозоғистондаги Чордара кўлига томон оқадиган Кўксув каналида балиқ овлашга тез-тез чиқиб турамыз. Бу гал ҳам тўрт нафар бўлиб шу ерга келдик. Автомашинадан тушар эканмиз, бизни теварак-атроф ўз гўзаллиги билан мафтун этди. Эндигина сабза уриб, бутун борлиққа яшил либос кийдираётган ўт-ўланларнинг ҳузурбахш ҳиди димоққа урилиши билан кайфиятимиз янада яхшиланди. Тунги ёмғирдан тозаланган ўтлоқлар энди чиқиб келаётган қуёш нурида ажиб товланарди...

Ҳаммамиз қармоқларни олиб, канал бўйидан жой

эгаллай бошладик. Анча вақтгача овимиз бароридан келмади. Сабаби — ёғиб ўтган ёмғир туфайли сув кўпайиб бўтана бўлиб оқарди. Бир маҳал яқинимиздаги қамишлар шитирлаб қолди. Ҳаммамиз ўша томонга қарадик. Орадан сониялар ўтар-ўтмас катта турна кўринди. У биз томон сузиб келарди. Одамлардан қочмагани бизни ҳайратга солди. Аввалига битта-яримтаимизни чўқиб олмасин, деб чўчидик ҳам. Лекин бу ерда қандайдир сир борга ўхшарди.

Гўзал куш ҳамон биз томон

сузиб келарди. Биз ўзимизни четга олиб, тепалик томон кўтарилди бошладик. Не кўз билан кўрайликки, турна ҳам сувдан чиқиб, орқамиздан эргашиб келарди. Лекин, оёқларини оғир қўяр, қанотларини кўтарганда биттаси езилмасди, «Нега бундай қияпти» ўйладик. Сирни билиш учун у томон юра бошладик. Турна бир жойда туриб, олдига келишимизни кутарди. Ҳамроҳимиз Йўлчибой қушни бир қўли билан ушлаб, иккинчиси билан устини силай бошлади. Қуш индамай турар

эди. Шу заҳоти Йўлчибой бир нарсадан чўчигандай бўлди.

— Жониворнинг қанотига сим ўралашиб қолипти, — деди у. — Уни олиб ташлаш керак, шўрликнинг қаноти тагини қонатиб ҳам юборибди.

Автомашинадан омбир олиб келиб бердим. Йўлчибой унинг ердамида симни ҳар қаер, ҳар қаеридан узиб ташлади. Симдан холос бўлган турнани қўйиб

юбордик. У анча жойга сакраб-сакраб борди-да, қанотларини кенг езиб ҳавога кўтарилди. Осмонга чиққач бизга миннатдорчилик билдириб бошимиз узра уч-тўрт марта айланди-да, жануб томонга қараб учиб кетди. Биз уни кўздан гойиб бўлгунича кузатиб қолдик...

Ў. ҚАРИМОВ,  
Занғота туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси.

Ушбу саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари ҳамда «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари тайёрлашган.



## ● Маънавий мерос ва ҳаёт

... Муқаддас "7" рақамида не-не сир-синоатлар, сеҳрона тушунчалар парданишин бўлиб етибди. "Етти қароқчи", "Етти гўзал", "Етти иқлим", "Етти ўлчов", "Етти сумул", "Етти ранг", "Етти довон", "Етти оҳанг", "Етти мавлоно"... "Етти пушт" тушунчасида ҳам бир олам маъно етганини мен катта бувим Хонпошша отиндан болалик чоғларимдаёқ эшитгандим. Бу ниҳоятда оқила ва фозила аёл "етти пушт"ларини жуда яхши билардилар ва бунингдек билимдонлик инсон боласига ҳам қарз, ҳам фарз дердилар.

Она томондан бувим — Кароматпошша ҳам етти пуштлирини яхши билардилар, бу зот Дакка, Қоратегин, Қўқон хонликлари-ю, подшоликларига илдиз отанликлари ҳақида сўзлаб берардилар. Бу момои олиялар аждодларимизнинг қарийб 400 йиллик тарихи — мозийсидан огоҳ эдилар. Шу бовсдан ҳам уларнинг иккови ўтмиш воқеаларидан, удум, расм-русумлар, анъаналар, одатлардан яхшигина воқиф эдилар. Мен бу икки валенеъматнинг ривояту ҳикоятларини жон дилдан тинлардим, кўз ўнгимда мозий пардаси бирин-кетин кўтарилиб бораверди. Каромат бувим Нақшбанд, Сўфи Оллоер, Ҳофиз Шерозийларни яхши билсалар, Хонпошша бувим Аҳмад Яссавий, Бедил, Алмаий, Ҳожа Муҳийлардан яхши огоҳ эдилар. Яссавий — "мафкураи пирон" дея аталганини мен ушбу муҳтарам зотдан биринчи бор эшитгандим. "Чаҳор калит", "Панж-шия" таълимотлари ҳақида ҳам мен дастлаб ана шу бувимдан эшитганман.

Кароматхон бувимнинг Турон заминда "Наврўз" байрами авваллари қандай байрам этилгани ҳақидаги ҳикоятларини бутун жисмим қулоқ бўлиб эшитардим. "Ипак йўллари"ни босиб, турли юртлардан, узоқ ва яқин шарқ мамлакатларидан қарвон тортиб келувчи аҳли солиҳ, аҳли нафосат, аҳли тужорлар ҳақидаги ҳикояту ривоятлар кишини ўзига оҳанграбодек тортиб оларди. Бундайларни у киши кўпинча ўзлари шеърларга солиб, куйлаб, тўқиб эхтиросла айтиб берардилар:

Руму Шомдан келадир қарвон,  
Мол келтирур қиммату арзон.  
Тевалари лўкиллаганда,  
Кўнғироқлар солади ларзон.  
Ироқлардан келган қарвонлар,  
Айтинг, кўрдиз неча замонлар?  
Сизга қимлар арқон солмади...  
Қарвонлар-ей, қарвонлар,  
Сизда орзу-армонлар!..  
Кароматхон бувимиз ўз  
аждодларига мансуб Атиқулло

эшоннинг сафар чоғида фожиа қазоиятдан кўз ёш-ла ҳикоя қилиб берардилар, у киши "ҳаж"га кетаётганда қозиятга юз тутган экан ва қабри азма-дегиз бўлиб қолган экан, у зотнинг фарзанди Ҳусанхожи эса ана шу отаси "қабри"ни зиерат қилиб, "Қизил денгиз"га гуллар сочиб, тляватлар қилган экан...

Она бувимнинг, Ҳожи-тоғамнинг уйларининг тоқчаю таҳмонлари ана уша мозийдан мерос бўлиб келаётган. Шарқ мамлакатларидан келтирилган ноёб китобларга тўлганди. Аммо "қизил империявий" тажовузлар даврида бу китоблар олиб чиқиб еқилган, йиртиб, қиймаланиб "гадранг" сувига, "Қайковус" ариғига оқизилган. Она буваимизнинг "Яланғоч"да катта боғлари бўлган. Тошкентнинг эски шаҳаридаги бозорида ҳамда янги шаҳридаги "Пиён бозор"да катта чит дўконлари ҳам бўлган: "Октябрь инқилоби"дан сўнг Усмохўжани "қулоқ" қилиб, ерларию дўконларини тортиб олганлар. Кўп ўтмай ўзларини ҳам ўлдирганлар... "Дом Советов" (кейинчалик "Комсомолнинг 30 йиллиги" кинотеатри) нинг енидаги буваимиз уйи ҳам "шўро" томонидан олиб қўйилган, қўрадаги барча бойликлар беаёв таланган, ҳатто ешгина етим қолган бизнинг онамизга ҳам раҳм-шафқат қилмай, ҳечвақо қолдирмаганлар... "Етти пушт" тўқ, маъмурчиликда келган Кароматпошша хонадони шўролар даврига келгач мисли кўрилмаган адолатсизликка йўлиққан, "Зебунисо" мактабида таҳсил кўраётган онамиз Ёқутхон ҳам ўқишдан мосуво бўлган. Оқсоч момонинг икки ўғли — Сайдамин ва Сайидумарлар 1941-1945 йил урушда ҳалок бўлган, кичик фарзанди Сайфиддин эса "ФЗУ"да жон сақлаб қолган, кейинчалик эса поччаси тарбиясида ўсган.

Тошкентнинг "Қошиқчи маҳалласида ҳам Шарафқори буваимиздан бувимиз Хонпошша отинга ва болаларига мерос бўлиб қолган жуда катта боғ бўларди.

Бу ўзига хос "боғи эрам"нинг икки томонидан, пахса девор тағидан ўтадиган бир тегирмон сувли ариқлар бўйида ёввойи бинафшалар очилиб етган, уларнинг ҳиди димоғни чоғ этарди. Навбахорда очилган бодом худди келинчақлардек гулчирой тортиб, оппоқ либосга бурканарди. Хонпошша бувимиз таъби-назмлари бор аёллардан бўлганликлари сабабли гуллаган чаман қадли бодомларга тикилиб тўймай, назм битарканлар:

Кун тугди, ўлди фасли навбахор,  
Бодом гуллади келинчақ мисол.  
Атроф чаманзор, гўзал лозазор,  
Дўстлар, насиб этсин сизга висол...

Бу боғда Хислату Мискинлар, Тўйчи Ҳофизу Абдусоат дуторчилар, Мавлоно Камий Тошкандийлар ҳам неча бор бўлганлар. Адабиёт ва санъатни дили жонидан севган хонадон соҳиби Шарофиддин-қори унинг тиззасига бош қўйиб, Яратганга "омонат"ини топширган, атоқли шоир унинг қазоиятига бағишлаб марсия битган ва унда марҳумнинг етти пушти тилга олинганди. Мана ўша марсиядан бир неча мисралар:

Шарофиддин Ҳожа қорийким,  
Валади Ҳожаи Алоиддин.  
Ўн иккинчи шаввол эрдиким,  
Рихлат этди фони дунедин...

Хонпошша отинни бежиз "отин" демасдилар, у зот ниҳоятда ўқимишли, билимдон, заки ва зукко аёл эдилар, "инқилоб"дан аввалги йиллардаёқ "Себзор", "Қошиқчи", "Кох ота" маҳаллаларида мактаб тутиб, аҳоли фарзандларини ўқитганлар, ўз фарзандлари — Муҳиддин, Тождин, Гаъдриддин, Шамсиддин, Насриддин, Шаҳодатхон, Шарофатхонларни ҳам ўткир саводли қори ва қориялар қилиб етиштиришда катта жонбозлик кўрсатганлар.

Афсуслар бўлсинки, шахсга сифиниш йилларида фақатгина халқ фарзандлари қатоғон этилмади, балки уларнинг азалдан келаётган маданий мерослари, анъаналари, шахсий мол-мулклари, ота-боболари, фозила ва оқила момоларидан мерос сифатида олиб келаётган касб-хунарларига ҳам тажовузлар ва камситишлар кам бўлмади. Хонпошша отинга ҳам доялик, табиблик қилишни ман этдилар, ҳар йили Наврўзда ширин-шакар сумалаклар тайёрларди — буни ҳам "диний маросим" дея чеклаб қўйдилар, атроф-маҳаллалардаги қиз-жувонларга "зикр-само" нималигини ўргатиб келардилар, "тасаввуф"дан панд-насиҳатлар берардилар — буларнинг ҳам барчасига раҳна солдилар.

Хонпошша отин ҳаммасига чидаса ҳам, илдизи "етти пушти"га қараб кетган ана ўша "қандак" ўрикни кесишларига асло чидолмади. "Қария"нинг танига болта ура бошлаганини қўлига ташланди ва ялиниб-елворди: — Ҳой, болам, ахир, инсон фарзандисан-ку, шунисини кесмай кўяқол, кўчага тушса ҳам турақолсин, одамлар ўтган-кетганида мевасини еб турар, садаған кетай, каллаклама уни, қара, шохлари тўла довучча-ку, ахир, раҳминг келсин, у ҳам она-ку, болаларини сўлдирма, етилсин!.. Болта ураётган парво қилмади, қарияни четлашгирди-да, ўрик дарахтининг танасини чопа кетди. Отин буви даҳшатдан қотиб қангу-манг бўлиб қолди, сўнг ўзини ерга ташлаб ҳўнграб йиғлаб юборди. Болтанинг суюкли ўрик танасига тушган ҳар бир "тарс-тарс"и гўё унинг юрагининг "дарз-дарз"и эди... Шундан кейин ушбу муштипар зот

хастаю ногирон бўлиб қолдилар, умрлари узоққа чўзилмади, аста-секин кўзлари ҳам ожиз бўлиб қолди, дарду алам вужу-дини емирди, шу зайилда дори-бақога юз тутиб кетдилар...

Отадан эрта етим қолган онамиз Кароматхон бувим билан не азиятларни чекмаган эдилар. Бунинг устига 30-йиллардаги очарчилик офати, одамлар очликдан шишган, кўчада кетатуриб "таппа-таппа" ўлиб қолаверардилар... Ундан кейин эса фашистлар Германияси билан уруш йиллари, ўта оғир ва қўланкали, очарчилик йиллари...

Мана шу зайилда йиллар ҳам ўтиб бораверди. "Заборний карточка" лару керосинга кечаси билан навбатда туришлар ҳам йўқолиб бораверди, ун-нонларга соатлаб навбатда туришлар ҳам аста-секин маҳн бўлиб бораверди. Онамиз ҳам ота-боболаридан мерос бўлиб, "етти пушти"ларидан силсила тортиб келаётган миллий анъаналаримизга содиқ бўлиб, худди бувиларим сингари кузда ёнғоқни қоқиб олиб, қайноналаридан қолган сандиққа солиб қўярдилар ва қишда ҳамма болаларга, набира, авара, чевараларга "мана санга, мана санга" дея, бешта-бештадан ёнғоқ улашиб чиқардилар... Ҳа, калитини солганда қулфи мусиқий садолари билан очиладиган бувиларимизу оналаримизнинг бунингдек сандиқлари болалигимизда бизга афсонавий туюларди. Ўша сандиқдан туршагу ёнғоқлар улашиш чоғида неча бор бувимнинг меҳр-саховатли қўлларига тикилиб турганлар, ушбу билимдон момо панд-насиҳатларидан баҳраманд бўлганлар, у кишининг қалбларни, диққат-эйтиборни оҳанграбодек тортиб оладиган чўпчагу ҳикоятларини бисёр тинлаганлар орасида эндиликда таниқли олиму фозиллар, атоқли маърифатпарварлар, санъатшунослар, жамоат арбоблари ҳам бордир, шу жумладан академик Саидкарим Зиедуллаев: ВАСХНИЛ муҳбир-аъзооси, атоқли пахтачи-олим Назрулла Маннонов, матбуот ветерани, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Файзулла Юнусов, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Саъдиддин Шарафий, шоир Хуршид, таниқли селекционер олим Фазлиддин Саъдуллаев, физиолог фан номзоди, доцент Хайридин Насриддинов, хирург-генетолог Алломахон Носирхўжаева, биолог Бадриддин Тождидинов, самолётсоз Нажмиддин Муҳиддинов ва бошқалар Камина ҳам ана ўша саховатли қалб эгаларининг, буюк эътиқодли, метин иродали, сабр-тоқатли, қалби булоқдек зариф, халқ анъаналарию маданий меросини яхши биладиган табаррук, оқсоч онахонларнинг қут-барокатли сандиғи атрофида туриб, не-не чўпчаклару ҳикоят-ривоятларни эшитганлардандир.

Ҳа, бунингдек бадавлат, бечора онахонлар ўзларининг "етти пушти"ни, халқимизнинг мозийси, анъаналари, қадриятларини яхши билардилар. Улар жасорати бизларга ҳам ибрат бўлмоғи даркор, замондошларимиз ўзларининг буюк аждодлари, удуму урф-одатларини, азалий анъаналарини, асрий қадриятларини мукамалроқ билишга интисалар ва келгуси авлодларга "етти пушти"дан огоҳ бўлишдек маънавий бойликни раво кўрсалар нур устига нур бўларди.

Афсус ва ўқинчлар билан шуни таъкидлаш керакки, айрим ҳозирги фарзандларимиз, наинки етти пушти, ҳатто ўзларининг бува ва бувижонлари ким бўлгани-ю, нималар билан шугуллангани, жасорати, ҳаётда қолдирган изи ҳақида дурустроқ маълумотга ҳам эга эмаслар... Қани энди, менинг ана ўша бадавлат ва бечора онахону бувижонларим шу кунларда ҳаёт бўлсалару ўзлари зориқиб кутган, орзу-умидлар боғлаган истиқлолий ўзгаришларни кўрсалар, армонлардан бутунлай фориг бўлган бўлармидилар...

БАҲРИДДИН НАСРИДДИНОВ,  
маданиятшунос олим.

•1994 йил — Оила йили

## ДАВРАГА КЕЛ, ДУГОНАЖОН

Маълумки ЮНЕСКО қарорига биноан 1994 йил — Оила йили деб эълон қилинган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки оила ҳар бир жамиятнинг энг муҳим ўзагидир. Тошкент вилояти хотин-қизлар кенгашининг навбатдаги фаоллар йиғилиши ҳам "Мустақкам оила учун" шиори остида ўтди. Унда вилоят аёллар даврасини тузиш масаласи кўрилди. Вилоят хотин-қизлар кенгаши раиси Санъат Азизова мазкур давра раисаси этиб сайланди.

Хотин-қизлар даврасини тузишдан мақсад турли касбадаги аёлларнинг меҳнат ва турмуш тарзи тажрибаларини ўртоқлашиш, ҳар бир вилоятдаги хотин-қизлар кенгашлари ишлари билан танишиш, камчиликларни йўқотиш, муваффақиятларга шерик бўлиш, бир сўз билан айтганда аёллар фаолиятини фаоллаштиришдан иборат.

Вилоят хотин-қизлар кенгашининг раиси Санъат Азизова кенгаш олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлаб, "Мустақкам оила қуриш учун нима қилмоқ керак?" — деган савол билан даврадагиларга мурожаат қилди. Энг долзарб, айти дамда ўта нозик муаммолардан бири бўлган бу саволга ўз турмушимиздан келиб чиқиб жавоб топишга, оила қуриш, уни сақлай билиш, бу йўлда учрайдиган хатоликларга йўл қўймаслик юзасидан мулоқотга қақирди. Сўзга чиққанлар оиланинг мустақкамлигининг замини ҳақида оилада ота-она ўрни, фарзанд масъулияти ҳақида мулоқазалар билдиришди. Хотин-қизлар кенгашлари иш фаолиятини яхшилаш тўғрисида сўз борди. Олима Хотима Шайхова, шоира Шарифа Салимова, Тошкент туман хотин-қизлар кенгаши раиси Азима Ҳакимова, Чиноз туман хотин-қизлар кенгаши раиси Танзила Оллобергановалар сўзга чиқиб, ўзларининг иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими муовини Ҳ. Ҳамидов иштирок этди.  
М. ОБИДОВА.

## "АҚЛЛИ" МАШИНАЛАРГА ИХЛОС КУЧАЙДИ

КЕЙИНГИ йиллар ичида вилоятимизнинг қатор мактабларида электрон ҳисоблаш машиналарини ўрганишга эътибор ортди. Хусусан, Чирчиқ шаҳридаги Н. Шилова муаллимлик қилаётган 27-ўрта мактабда бу соҳа яхши йўлга қўйилган.

Мактаб ўқувчиларига ЭХМ дарслардан ташқари пайтларда-тўғарақларда ўргатилмоқда. Ўқувчилар ўтган йили ва бу йил пухта билимлари туфайли шаҳар, вилоят олимпиадаларида олдинги ўринларни эгалладилар.

Эндиликда улар машиналарга бемалол турли дастурларни ўзлари жойлай оладилар.

Ш. ОБИДОВА.

Мустабид тузум зўравонлик сиёсатининг қурбони, ўзбек маънавий дунесининг порлоқ юлдузларидан бири, ҳассос адиб Абдулла Қодирийнинг 100 йиллигини муносиб нишонлаш учун қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Шу кунларда Қибрай туманида езувчининг порлоқ ҳотирасига бағишлаб адабий кечалар, китобхонлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай

## Абдулла Қодирийни эслаб

анжуманлардан бири адиб номи билан аталувчи Уймувутдаги 15-мактабда бўлиб ўтди. Кечани туман ҳокимининг муовини вазифасини бажарувчи А. Абдурахмонов очди. Томошабинлар туманимиз миқёсида ўтган бу адабий-бадий кечага ўқувчилар ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриб келганликларининг гувоҳи бўлдилар. А. Қодирий ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўзида акс эттирувчи фото кўргазмалар, юбилейга бағишлаб чиқарилган деворий газеталар узоқ-яқиндан келган меҳмонларда қизиқиш уйғотди. Шу ўринда анжуманни тайёрлашда туман халқ таълими бўлими кутубхонаси услубчиси Фотима

Акромованинг хизматларини алоҳида эътироф этиш керак.

Адибнинг машҳур «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари асосида юқори синф ўқувчилари тайёрлаган саҳна кўринишларини кеча иштирокчилари айниқса завқ билан томоша қилдилар.

Анжуманга ташриф буюрган кино драматург, езувчи Фарҳод Мусаёнов, шоир Сайёр Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодидаги

ҳали ўқувчиларга маълум бўлмаган қирралари ҳақида, қатагон йиллар қурбонларининг ачиқ қисматлари тўғрисида йиғилганларга қизиқарли қилиб сўзлаб бердилар ва бу борада кино соҳасида амалга оширилаётган ишлардан кеча қатнашчиларини воқиф этдилар. Сайёр адиб хотирасига бағишлаб ерган шеърларидан ўқиб берди.

Адабий-бадий кеча сўнггида ўз қобилияти ва истеъдодини намойиш этган бир қатор ўқувчилар Қибрай туман ҳокимининг ҳамда туман халқ таълими бўлимининг Фахрий ёрликлари билан тақдирландилар.

А. ФОЗИЛОВ.

### • Қутлов

## МЕҲРИБОН МУРАББИЙ, ТАЛАБЧАН УСТОЗ

У — ОДДИЙ инсон. Умрининг қирк йилдан кўпрогини ўзи тугилиб ўсган Зангиота ҳамда Тошкент туманлари аҳолисига хизмат қилишга бағишлади. Ўқитувчиликдан турли раҳбарлик лавозимларигача кўтарилди. Ҳар қандай шароитда ҳам ўша-ўша оддий ва камтарлигича қолаверди. Ҳозир туманда яшаётган кўпгина раҳбарлар орасида Мирза ака Аҳмедов бевосита устозлик қилган одамлар талайгина.

— Менга домла дарс берганлар,— дейди Хонобод кишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли Зоиржон Ниезов.— Адабиётга бўлган қизиқишим у киши туфайли. Шунинг учун журналистика куллиетини битирдим. Аввал газетада, кейин Мирза ака билан бирга беш йил райкомда, мафкура бўлимида ишладим. Ана шу пайтларда мураббийдан муомала маданиятини, босиқлик ва вазминлигини, ишлаб чарчамасликни, касбга садоқат ва эътиқодга содиқликни, ҳар бир ишга юксак масъулият билан ёндошишни ўргандим. Домла доим еш кадрларнинг ўсиши учун, уларнинг ўз устида ишлаб, қўшимча ихтисосликка эга бўлиши учун ғамхўрлик қилиб келдилар.

М. Аҳмедов фаолиятдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. У ҳаминча ҳар қандай муаммони адолат билан ҳал этиш тарафдори бўлганлиги учун ҳам юксак обрў-эътибор орттирди. Аммо шундай ҳоллар ҳам бўлар эканки, ўзгалар учун фидоийлик билан одил сўз томонида турган инсон, ўзини ҳимоя

қилишга келганда гоҳо ожизлик қилиб қоларкан.

Устоз қисматида худди шундай ҳолат рўй берганди. «Глянчилар



турухи» туфайли Мирза ака ҳаёти маълум вақтгача хиралашди. Уни бир неча бор терговга чақиришди. Турли усуллар билан чалғитмоқчи ҳам бўлишди. Шунда устоз руҳан тушмади, ўзининг поклигини исботлади. Яна педагогик касбига қайтди. Мактабда тил-адабиётдан дарс беришни давом эттирди. Директор ўринбосари сифатида болалар тарбияси билан шугулланди. Кейин туман халқ таълими бўлимига ишга ўтказишди. Мана, 1987 йилдан бери шу бўлимда йўриқчи лавозимида, кейин мудир муовини сифатида муваффақиятли ишлаб келяпти. У бутун куч ва ғайратини, билим ва маҳоратини еш авлодга пухта таълим ҳамда тарбия беришга сарфлашга ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун ҳам тумандаги мактаблар фаолиятини чуқур ўрганиди, таҳлил қилди. Энг

яхши муаллимлар иш тажрибасини оммалаштириш учун елиб югурди. Шунга бағишланган бир неча рисола ва кўргазмалар тасвирлар чоп эттирди.

Домла талабчан мураббий. Шунинг учун ҳам у ишлаётган Зангиота тумани вилоятдаги энг яхши туманлар қаторида тилга олинмоқда. Бу тумандаги мактаблар талабалари, муаллимлар вилоят ҳамда жумҳурият олимпиадаларида фаол иштирок этиб, совринли ўринларга эга бўлмоқдалар. Буларнинг барчасида Мирза ака Аҳмедовнинг ҳам муносиб улуши бор.

Бугун таваллудининг 60 йиллигини нишонлаётган Мирза ака умр йўлдоши Фариди опа билан етти фарзандни улғайтирди. Ҳаммасини уйли жойли қилди. Отахонни қутлуг еши билан биринчи навбатда ана шу фарзандлар табриклашди. Қолаверса, Зангиота ва Тошкент туманларидаги шогирдлари, ҳамкасблари, сафдошлари, маҳалла фаоллари, қариндош-уруғлари ҳам чин қалбдан муборакбод этишади.

Ҳа, Мирза ака ана шундай олқишларга ҳалол меҳнати билан эришган инсон. Мураббийнинг кўп йиллик хизматлари муносиб тақдирланган. У бир қатор орден ва медаллар нишондори, халқ маорифи аълочиси.

Заҳматқаш муаллим, билимдон йўриқчи, камтар ва меҳрибон устозни сафдошлари қатори биз ҳам бугун таваллуд топган кунни билан астойдил табриклаймиз.

Н. ҚОДИРОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар  
уюшмасининг аъзоси.

## «ЧЕВАР» НАМОЙИШ ЭТАДИ

«Қизил тонг» маданият саройи қошида фаолият кўрсатаётган «Чевар» рақс дастаси ҳам мана бир неча йиллардан буён ўзларининг жозибали рақсларидан тузилган концерт дастурлари билан кенг томошабинлар оммаси олқишига сазовор бўлмоқда. Улар томонидан намойиш этилаётган «Дил куйласин», «Баҳор вальси», «Пахта» рақслари ўз жозибасига, мафтункорликка эгалиги, маҳорат билан саҳнага олиб чиққанлиги билан ҳам тақсинга лойиқдир. Ансамбль ижодий жамоаси доимо изланишда, янги-янги дастурлар билан «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасида, тумандаги маданият саройларида мухлислар

билан учрашиб турадилар. Яқинда ансамбль янги концерт дастури билан рақс шинавандаларини маданият саройи томоша залига тақлиф этди. «Рақслар жилоси» деб номланган янги дастур шинавандалар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Ўзбек, туронзамин республикаларнинг ранг-баранг рақсларидан тузилган концерт томошасини ансамблнинг бадий раҳбари Азизахон Тўлаганова саҳналаштирган. Томошабинлар кўригидан муваффақият билан ўтган мазкур рақслар гулдастаси шу кунларда шаҳримиз маданият ва санъат қошоналарида намойиш этилмоқда.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўра» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672.

### • спорт

## ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ ОЛДИДАН

Шахрисабзда шахмат бўйича эркаклар ўртасида ўтаказилган Ўзбекистон биринчилиги ниҳоясига етди. Халқаро спорт усталаридан тортиб, усталikka номзодгача бўлган 16 шахматчи ўзаро куч синашди.

Мусобақада ўн беш имкониятдан 11 та хол тўплаган чирчиқлик халқаро спорт устаси Михаил Салтаев ғолиб чиқди. Самарқандлик спорт устаси Шухрат Сафин ундан ярим хол ортда қолди, бироқ кўзлаган ниятига барибир етди — учинчи гроссмейстерлик бабини қўлга киритди. Энди Ўзбекистон Шахмат федерацияси унга халқаро спорт устаси унвонини беришни сўраб ФИДЕга мурожаат қилиши мумкин.

Ешлар ҳам бутунлай катта усталар соясида қолиб кетгани йўқ. Тошкентлик спорт устасига номзод Рустам Қосимжонов 9,5 хол билан учинчи ўринни эгаллаб, анчагина номдор шахматчиларни ортда қолдириб кетди ҳамда спорт устаси шартларини бажарди. Унинг тенгдошлари — тошкентлик Дилмурод Раҳимов билан пахтабодлик Иброҳим Каримов ҳам мусобақа жадвалидан юқори ўринларни эгаллаб, спорт устаси шартларини бажаришди.

Мусобақа кузда Грецияда ўтказиладиган шахмат олимпиадасида иштирок этадиган Ўзбекистон миллий терма командасига номзодларни ҳам аниқлаш имконини берди. Маълумки, ўтган йилги олимпиадада республикамиз командаси иккинчи ўрни эгаллаган эди.

[ЎзА мухбири]

### ЧИНОЗ ХАБАРЛАРИ

Чиноз пахта тазалаш заводи жамоаси истеъмол бозоридagi тақчилликни бартараф этишга муносиб қисса қўшишга интилоқда. Яқинда пахта тазаловчилар тўқувчилик кичик корхонасини ишга туширдилар. Ҳозир бу ерда катталар ва кичик болалар учун пайпоқ, қалпоқ, шарфлар тўқилмоқда.

— Кичик корхонага раҳбарлик қилиш масъулияти, дедди завод материаллар бўлими ҳисобчиси Файзинисо Қаршибоева,— ёш, аини вақтда тажрибали тўқувчи Мавлуда Музаффарова зиммасига юклатилган. У ўн нафар тўқувчи қизга бошчилик қилмоқда ва тўқувчилик сир-асрорларини уларга ўргатмоқда. Шу боис куйлик иш режаси ошириб удаланипти. Ҳозирги кунда ўнта дастоҳ бошқарилиб, кунига 100 га яқин пайпоқ, 20 дан ортик қалпоқ ва шарф тўқилмоқда.

### КИЧИК КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

Дарҳақиқат кичик корхона иш бошлаганига энди бир ой бўлди. Лекин, шу қисқа вақт ичида унинг маҳсулотлари савдо расталаридан муносиб ўрин олди. Улар анча харидорғир. Шу туфайли савдо шаҳобчалари корхона маъмурияти билан маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома тузишга ошиқмоқдалар. Бундай ўзаро ҳамкорлик фойдали бўляпти. Тўқувчилар иш билан банд бўладилар, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, савдо расталарини бойтадилар.

— Корхонамиз янада кенгайтирилади,— дейди Ф. Қаршибоева.— Яна ўнта дастоҳ келтирамиз. Уларни ҳам бир ой ичида ўрнатиб, жемфур тўқишни йўлга қўйишни режалаштирганимиз. Ишга камида ана ўн нафар қиз-жувонлар жалб қилинади. Шу кунларда бу кичик корхонада бўлсангиз, қизгин иш устидан чиқасиз. С. Нишонова, Х. Нуриева, Н. Худойбердиева сингари қўлигил тўқувчиларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари кўримлиги, нафислиги билан ажралиб туради.

## ДИЛ КУЙЛАСИН

Толбжон Тўраев раҳбарлик қилаётган «Дил куйласин» ашула ва рақс ансамбли «Ватинимни куйлайман» деб номланган янги концерт дастурини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Ватанимиз тарихи, бугуни ва эртаси ҳақидаги замонавий шоирларнинг шеърлари, куй ва қўшиқлари, дилрабо рақслардан тузилган дастур илк

бора шаҳримиздаги Кўзи ожизлар маданият саройида намойиш этилиб, кенг томошабинлар оммаси олқишига сазовор бўлди. Ижодий жамоа классик ашуларга орқали ўтмишимиз ҳақида ҳикоя қилса, замонавий дастурлар билан бугунги дориломон кунларни мадҳ этган.

С. СИРОЖИДДИНОВ

## ИККИТА ЕР ОСТИ СИЛКИНИШИ

«Тошкент» сейсмик станцияси баҳорнинг сўнгги ойи бошида иккита ер ости силкиниши бўлганлигини қайд этди. Улардан бири 1 май кунини маҳаллий вақт билан соат 17 дан 01 минут ўтганда рўй берди. Зилзила маркази Тошкентдан 550 километр олдда — Афғонистон ҳудудидagi Ҳиндукуш тоғ тизмаларидадир. Ўзбекистон пойтахтида ер ости силкиниши кучи 2—3 балли, Қарши ва Термизда — 5 баллга яқини, Самарқанд, Бухорода — 3—4 баллини ташкил этди. Қурбон бўлганлар ва вайронгарчиликлар ҳақида маълумотлар олинмади.

«Тошкент» сейсмик станцияси 2 май кунини маҳаллий вақт билан соат 2 дан 18 минут ўтганда ана зилзила бўлганлигини қайд этди. Унинг маркази Ўзбекистон пойтахтидан 320 километр олдда — Шимолий Помир

тоғларидадир. Тошкентда бу ер ости силкиниши икки баллга яқин куч билан сезилди.

[ЎЗА]

Мухаррир  
Н. НАСИМОВ.

Муассис:  
Тошкент вилояти  
ҲОКИМЛИГИ